



MILLIY TIKLANISH

31 (39) 2009 йил 5 август, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



Қарийб 15 минг ёш мутахассис меҳнат ярмаркасида ишли бўлди
Яқинда пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида жорий йилдаги энг йирик янги иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тошкентдаги академик лицей ва касб-хунар коллежларини тамомлаган ёш мутахассислар учун мўжалланди.

→ 6-бет



Миллий манфаатлар ҳимояси

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин миллий манфаатлар ҳимоясини энг устувор вазифа сифатида белгилади.

→ 7-бет



Интеллектуал салоҳият ва изланишлар

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ер юзидаги аксарият мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

→ 8-бет


МТ

БУГУНГИ СОҶДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ	2-бет
Сайлов ҳукуқи	
Она ва бола саломатлиги	
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА	3-бет
Мустақиллик ва маънавият	
Туман кенгаши ташаббуси	
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ	4-бет
Хушёр ва огоҳ бўлинг!	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
Глоблалашув ва миллий масала	
Булунгур дostonчилик мактаби	
Яшиллик оламига бахшида умр	
ИҚТИСОДИЁТ	6-бет
Ер — умуммиллий бойлик	
"Куён" бўлган спиртчилар	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Дунёнинг сир-асрорлари	
Дунёдан дараклар	
НИГОҲ	8-бет
Биласизми?	
Турфа олам	

ИФТИХОР

Орзулар ушаладиган озод Ўзбекистон бу



Халқимизнинг азалий орзуси ушалган, дунёда ўзбек, Ўзбекистон сўзлари мағрур жаранглай бошлаган кунлар эди. Шундай кезларда Юртбошимиз Ислам Каримовнинг "Тошрида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, мамлакатимизнинг ҳар бурчагида, ҳар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни яшантиб турсин", деган сўзлари ҳар бир ўзбек, ҳар бир юртдошимиз қалбида ифтихор туйғусини уйғотди, юксак галабалар сари ундади.

Асрор МҮМИН

Ҳа, энди мустақил Ўзбекистонимизни жаҳон аҳли тан олиши учун мамлакатни дунёга тезда машҳур қиладиган — фан, санъат ёки спорт соҳасида оламшумул галабага эришиш кун тартибидagi биринчи вазифалар қаторида турарди. Халқимиз орзуси ушалди, шундай юксак муваффақиятга эришдик. 1992 йил 24 июнь кuni Филиппинда яқунланган 30-Бутунжаҳон шохмот олимпиадасида юздан ортиқ давлат вакиллари ўртасида шохмотчиларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Агар шохмотда фан, санъат ва спорт мужассам эканлигини инобатга олсак, бу муваффақиятда мамлакатимизнинг улкан салоҳияти намоён бўлди. Албатта, бу галабага ҳисса қўшган олти нафар шохмотчимиз ва мураббийимизнинг ватанпарварлиги таҳсинга лойиқ. Бироқ, ярим ойдан кўпроқ давом этган мусобақа кунлари миллий рамзимиз бўлган дўппимизни мағрур кийиб юрган Сайдали Йўлдошев ҳақида алоҳида фикр юритмаслигим мумкин эмас. У ҳар лаҳзада жамоамизни қўллаб турди, керак пайтда мусобақага қўшилди, ҳатто таниқли грузиялик гроссмейстер Геннадий Зайчикни чиройли тарзда мағлубиятга учратиш, мутахассису мухлислар назарига тушди. Сайдалининг дўпписига ҳавас билан қараганлар бу буюмини сотиб олиш учун каттагина пул ҳам таклиф қилишди.

(Давоми 4-бетда)

Мен истиқлол фарзандиман

Мохичеҳра ШОМУРОДОВА, Ўзбекистон Давлат консерваторияси 3-курс талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, ЎзМТДП аъзоси

Юртимиз истиқлолга эришганида мен атиги уч ёшли қизалоқ эдим. Айтмоқчиманки, шу қизғин жараён, яъни Ватанинг, халқнинг ўзлигини англаш жараёни билан баробар улғайдим ва мунтазам оилада кечадиган маърифий суҳбатлар, китоблар мутолаасида қатнашардим. Ҳозирга келиб шунда қатнашардим. Ҳозирга келиб шунда қатнашардим. Ҳозирга келиб шунда қатнашардим. Ҳозирга келиб шунда қатнашардим.



Энг катта орзуим — миллий мақомларни дунёга янада кенгроқ танитиш

лар танловида республикада рағбатлантирувчи ўринни эгаллаганим учун санъат коллежига имтиёзли қабул қилиндим. 2005 йилда санъат коллежлари ўртасида ўтказилган "Ёш ижрочилар Республика кўрик-танлови"да ҳам 1-ўрин соҳибаси бўлдим ва шу йили Самарқандда ўтказилаётган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалида энг ёш хонанда сифатида иштирок этдим. Коллежда устозларим Б.Ярашев, Р.Иноятов, О.Атоев, Т.Темировлардан мақом сирларини ўргандим. Ниҳоят 2006 йили санъат йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлдим.

(Давоми 4-бетда)

ЖАРАЁН

Аёлни удуғловчи эътирофу таърифлар кўп. Унинг гўзаллигини гулга, баҳорга ўхшатамиз, меҳрини кўёш тафтидан ҳам ҳароратли, қалбини булоқ сувидек соф, дея таъриф берамиз. Аёл энг аввало — Она. У фарзандларни дунёга келтириб, камолга етказди.

Аёл

Сухбатдош: Камолиддин ХОТАМОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Биз хотин-қизларнинг оилада ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини янада юксалти-

унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бугуннинг талаби

риш борасида қилинаётган амалий ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова билан суҳбатда бўлдик. **Жамият маънавий муҳитининг соғломлиги бевосита оилага, оиладаги муҳитнинг соғломлиги эса фарзанд тарбиясига масъул бўлган онага, аёлга боғлиқ. Бунга эришишда аёлларнинг оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

(Давоми 4-бетда)

«Жаҳон» ахборот агентлигининг хабари

Ўзбекистон томони жорий йилнинг 1 август кuni имзоланган «Россия ҳарбий тузилмаларининг Қирғизистон Республикаси ҳудудида бўлишини мувофиқлаштирувчи ва қўшимча Россия ҳарбий контингентининг Қирғизистон ҳудудида жойлаштирилишини тартибга солувчи Россия Федерацияси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ниятлари тўғрисида»ги меморандумда айтиб ўтилган Қирғизистон жанубида Россия қуроли кучлари қўшимча контингентининг жойлаштирилиши борасидаги режаларни амалга оширишдан бирон бир зарурият ва мақбуллик кўрмапти.

Бу каби лойиҳаларнинг мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган, ўрта Осиёнинг учта республикаси чегаралари бевосита туташган ҳудудда амалга оширилиши ҳарбийлашув ва миллатчиликка асосланган турли зиддиятларни келтириб чиқарувчи жараёнлар, шунингдек, кенг минтақадаги вазиятнинг жиддий беқарорлашувига олиб келиши мумкин бўлган радикал экстремист кучлар чиқишларининг кучайишига туртки бериши мумкин.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАДРИК

ЎЗМТДП Косонсой туман кенгаши томонидан ФЖЎИ вилоят миқтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриши, унинг адолатли, эркин ва ошқора ўтишида фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди. "Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили" мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда ЎЗМТДП вилоят кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари, ФЖЎИ вилоят МАТМ вакиллари ва туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари иштирок этдилар.

Сайлов ҳуқуқи

уни қай даражада биламиз?

Д.ХАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ФЖЎИ вилоят МАТМ катта илмий ходими Б.Исоқов "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича маъруза қилди. Жумладан, сайлов тизимига киритилган ўзгаришлардан бири, яъни сиёсий партиянинг ваколатли вакили мақомининг ваколатлари, вазифаларига кенг ўтказилди. Нотик шунингдек, ошқоралик, тенглик принциплари демократик сайловнинг асосий белгиларидан ҳисобланишини, мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва амалиётида бу принциплар ўзининг тақомилига эришганини таъкидлади.

Барча юрдошларимизни сиёсий фаол, тизимни яхши билади ва сайловлар даврида унинг принципларига тўла амал қилади, дейишимиз кийин, - дейди ФЖЎИ вилоят МАТМ лойиҳа раҳбари Аҳмад Маматов. — Уларнинг айримлари ўз ҳуқуқларини яхши билмаслиги, ўтган сайловлар даврида депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятига жиддий аҳамият бермасликларига ғувоҳ бўлганмиз. Жамоатчилик ўртасида сиёсий партиялар томонидан мазкур йўналишдаги тушунтириш-тарғибот ишларнинг жadal олиб борилиши бу каби камчиликларни бартараф этишнинг самарали йўлидир.

Давра суҳбати давомида ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ш.Дехқонов, вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари Н.Қодиров Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мақсад ва вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишларига тўхталиб ўтишган бўлса, эксперт Ш.Шарифов сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгаришлар, хусусан сиёсий партиянинг ваколатли вакили масаласига алоҳида эътибор қаратди ва кенг тушунтириш берди.

Айтиш керакки, бундай давра суҳбатларининг жойларда тез-тез ўтказилиши фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини янада оширишга хизмат қилади.

Ушбу масалага бағишланган яна бир тадбир ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши ҳамда ФЖЎИ вилоят МАТМ ҳамкорлигида "Сайлов жараёнида ваколатли вакилнинг ўрни ва роли" мавзусида бўлиб ўтди. Семинар-тренинг тарзида ташкил этилган тадбирда ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони ходимлари, туман ва шаҳар кенгашлари Ижроия кўмитаси раислари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этдилар ва

сайлов қонунчилиги тизимига доир билимларини янада оширдилар. Уни марказ илмий ходими А.Қурбонов очди ва олиб борди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича Концепциянинг моҳияти ва аҳамияти, ундан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш масалалари иштирокчилар муҳокамасида бўлди.

— Айтиш керакки, сайлов ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқларнинг энг асосийларидан бири. Демократияни жамиятда қарор топдириш механизми ҳам айнан сайлов ҳуқуқи орқали амалга оширилади. Семинар-тренинг давомида асосий эътибор қаратилган мавзулардан бири "бугунги кунда фуқароларимиз сайлов ҳуқуқи ҳақида қандай тушунчага эга?" деган савол бўлди, - дейди ЎЗМТДП Термиз шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Дилфуза Ражабова. — Жойлардаги мулоқотлар давомида шунга амин бўламизки, кишиларда ўз ҳуқуқларини билишга эҳтиёж ортган. Аммо, бу ҳали ҳамма бирдек ҳуқуқ ва мажбуриятларини билади дегани эмас. Худудий кенгашлар томонидан олиб борилаётган сайловолди тайёргарлик ишларида масаланинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратайлик.

"Сайлов - халқнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидларининг ифодасидир" мавзусидаги давра суҳбати ЎЗМТДП Музработ туман кенгаши томонидан ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги сайлов жараёнларининг қай тарзда амалга оширилиши, сайлов округлари ва участкалари, ҳар бир шаҳарнинг эркин танлаган номзодига овоз бериш имкониятлари тўғрисида ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Б.Раҳмонов маъруза қилди.

ЎЗМТДП Фарғона вилоят кенгаши ҳамда ФЖЎИ вилоят миқтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамкорлигида "Сайловлар демократиянинг муҳим воситаси" ва "Сайловлар жамиятни демократлаштиришнинг муҳим босқичи" мавзуларида Ёзёнов, Бувайда, Бешариқ, Тошлоқ туман ва Қувасой шаҳар кенгашларидаги партия фаоллари, депутатликка номзодлар, уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида ўқув семинарлар ўтказилди. Уларда жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, шунингдек Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган концепциянинг мазмун-моҳиятини тушунтириш масалаларига чуқур эътибор қаратилди. Партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар таҳлил қилинди.

АНЖУМАН

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти" томонидан Республика "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган "Мустақиллик ва оила саломатлиги масалалари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Сарвар ХУРРАМОВ,
Ақобир САЙИДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, сиёсий партиялар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмитаси раислари, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, ФХДЁ туман бўлимлари раҳбарлари, оилавий поликлиника бош шифокорлари, "Оила" илмий-амалий марказининг Тошкент шаҳар бўлими вакиллари, ёш олим ва аспирантлар иштирок этдилар.

Тадбир жамиятнинг ажралмас бўғини ҳисобланган оила муносабатларини ривожлантириш, жамият бошқарувида оиланинг ўрни ва ролини ошириш, оилаларда репродуктив саломатлиқни қарор топтириш, барқарор оила муҳитини яратиш ва унинг қонуний асосларини такомиллаштириш, соғлом она ва соғлом бола таъминини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди.

Она ва бола саломатлиги - мамлакат ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги даражасининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бундан ташқари, генофондни сақлаб қолиш, аввало аёл-онанинг соғлигига боғлиқ. Республикада туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни соғломлаштириш бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқи-

Она ва бола саломатлиги давлат ва жамоатчилик эътиборида



публикада туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни соғломлаштириш бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқи-

либ, изчил амалга оширилмоқда. Бу жараёнда кўплаб вазирликлар, идоралар, хайрия фондлари, жамоат ташкилотлари иштирок этмоқда. Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштиришнинг ижобий натижаларидан бири - болалар ўлимнинг камайганидир.

Тадбирни Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Васила Каримова қилди. Унинг сўзи билан очиб, бундай тадбирлар жамиятда аёлларнинг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш орқали соғлом оила муҳитини шакллантириш, оилавий ўзаро муносабатларни барқарорлаштириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва камол топтиришга қаратилган давлат сиёсатини тўлақонли амалга ошириш, "Соғлом она - соғлом

бола" ижтимоий ҳаракатининг самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимизда ёш оилаларни ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳам ўз навбатида она ва бола саломатлигини тиклашда асосий омиллардан бири бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида мувофиқ жойлардаги давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Камолот" ЁИХ, Маънавий тарғибот маркази, "Маҳалла" жамғармаси, "Оила" маркази ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар зиммасига республиканинг ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари очиб, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, қасаначиликни ривожлантириш, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй-рўзгор ишларини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда уларга амалий ёрдам бериш, сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий ахборот, маслаҳат ҳамда болалар соғлигини сақлаш ва тарбиялашни таъминлаш бўйича хизмат кўрсатиш каби вазифалар юкланган.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида шахсни камол топтиришда оиланинг ўрнига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурида ҳам оила қадриятларини мустаҳкамлаш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Жумладан, катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдам, болалар ҳақида қайғуриш каби анъаналар ҳамма вақт миллий оиланинг асосий принциплари бўлиб келганлиги ва ўзини ҳам эркин, ҳам масъулиятли шахс сифатида англаб етувчи маънавий бой, эътиқоди мустаҳкам шахсни шакллантириш партиянинг асосий мақсадларидан бири саналади.

Оила муқаддас макон эканлиги, унга катта эътибор қаратиш лозимлигига алоҳида тўхталган нотиклар ҳозирги кунда мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида талай ишлар амалга оширилётганини таъкидлаб ўтишди. Шу билан бирга жамиятда репродуктив саломатлиқни қарор топтиришда жамоатчиликнинг тиббий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ривожлантириш, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган "Соғлом она - соғлом бола" ижтимоий ҳаракатини рағбатлантириш, ижтимоий демографик масалаларни тартибга солиш, оила фаолиятини ўргандиган тадқиқот марказлари томонидан нашр этилган илмий адабиётлар орқали кенг тушунтиришга эътибор қаратиш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Тадбир якунида жамиятда оила институтини, унинг саломатлигини мустаҳкамлашга оид тадбирлар, давра суҳбатларини вилоят ва туманларда ҳам ўтказилишига келишиб олинди.

ТАҲЛИЛ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

Сон муҳимми, сифат?

айрим туман ва шаҳарларда ЎЗМТДП аъзолари сони юз нафарга ҳам етмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳар бир партиянинг нуфузи ва салоҳияти аъзоларининг сиёсий фаоллиги, ташаббускорлиги билан узвий боғлиқ. Партиямиз миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қадриятларимизни тиклаш, ўзликни англаш ва мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида азалий ва замонавий анъаналарни қарор топтириш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириб, сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш ва самарадорлигини кучайтириш тарафдори. Ушбу мақсадларни амалга оширишда ЎЗМТДП энг аввало аъзолари, хайрихоҳлари ва тарафдорларига таянади. Демак, олдимизда қилиниши зарур бўлган ишлар талайгина, буларнинг барчаси ҳар бир партия аъзосидан алоҳида фаоллик талаб этади.

Дилноза ХАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

— Сиёсий онг ва маданият фаоллик гарови ва натижаси десак хато бўлмайди, - дейди биз билан суҳбатда ЎЗМТДП МК Ижроия кўмитаси девони масъул ходими Зебо Нетьматжонова. — Чунки, сиёсий маданияти юқори бўлган киши ўз ҳақ-ҳуқуқини билган ҳолда, ижтимоий ҳаётда ташаббус кўрсатади. Атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзини дахлдор деб билади.

Бугунги шиддаткор давр одамлардан сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юқори, жамият ҳаётида юз бераётган ҳар бир ҳодисага мустақил равишда муносабат билдира оладиган, доимо ҳушёр ва сезгир бўлишни тақозо қилмоқда.

Сиёсий партияларнинг жамоатчилик ижтимоий фикрини шакллантиришга қўшадиган ҳиссасини эътиборга олсак, партия ташкилотлари ва фаоллари зиммасида ҳам ғоят масъулиятли вазифалар турганлиги номоён бўлади. Хўш, партия аъзоларининг бугунги фаолияти

қўйилаётган талабларга қай даражада жавоб беради? Биз уларнинг сони, сифати, салоҳияти билан мақтана оламизми? Аъзоларимиз партиявий мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишда қанчалик иштирок этишмоқда?

ЎЗМТДП МК Ижроия кўмитаси девони берган маълумотларга (2009 йил 1 июль ҳолати) кўра, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларининг сони бугунги кунда 108396 нафарни ташкил этади. Жумладан, ЎЗМТДП Хоразм вилоятида 17682 нафарни, Самарқанд вилоятида 15074, Сурхондарёда 14091 нафар, Қорақалпоғистон Республикасида 10730 нафар, Қашқадарё вилоятида 8047, Бухорода 7449, Жиззах вилоятида 6487, Тошкент шаҳрида 6102, Фарғонада 5213, Андижонда 5200, Тошкент вилоятида 4748, Наманганда 3350 нафарни, Сирдарё вилоятида 2217 нафарни ташкил этади.

— Аъзоларни номигагина кўпайтириш ишмининг бирламчи масаласига айланиб қолмаслиги керак. Одамларни қизиқтираётган

мавзулар, ўйлантираётган муаммолар акс этган маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий мавзулардаги тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари орқали жамоатчилик ишончи ва эътиборини қозониш мумкин. Уларда партия дастурий ғоя ва вазифалари, мақсадлари тарғибот-ташвиқотида алоҳида урғу бериш ҳам самарали натижага олиб келади, - дейди Жиззах вилоятида энг кўп аъзолар сонига эга бўлган ЎЗМТДП Зафаробод туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Холида Тўрақуллова. — Бу фикрлардан сонимиз кам бўлса ҳам бўлаверар экан-да, деган хулоса чиқмайди, албатта. Энг аввало, уларнинг сифати ва сиёсий фаоллиги муҳим. Номигагина партияга аъзо бўлиб, на бирор бир тадбирда ёки бошқа вазифаларини бажаришда иштирок этмайдиган аъзоларимиз ҳам йўқ эмас. Ундан кўра, ташаббускорлиги ва янгиликка интилувчанлиги билан партияга, шу орқали жамиятга нафи тегадиган фидойилар билан сафимизни тўлдирishга ҳаракат қилишимиз керак.

Энг кам аъзоси бўлган Навоий вилоятининг Зафаршон шаҳрида атиги 86, Учқудуқда эса 102 нафар аъзо борлиги ўша жойдаги партия ташкилотлари ишига қўйилган баҳо ҳамдир. Бундай ҳолатни фақат ЎЗМТДП Навоий вилоят партия ташкилотларида эмас, ЎЗМТДП Сирдарё (Мирзаобод туманида 146, Оқолтинда 139, Янгиер шаҳрида 145 нафар), Наманган вилоятида (ЎЗМТДП Поп туманида 138, Уччида 165, Наманган туманида 190 нафар) ҳам кузатиш мумкин. ЎЗМТДП Тошкент, Андижон, Жиззах вилоятидаги аъзолар сони ҳам мақташга арзиғулик эмас.

Бундан икки хил хулоса чиқариш мумкин: биринчиси, партия ташкилотлари кенг жамоатчилик билан яхши ишламаяпти; иккинчиси эса партия ташкилоти ўша ҳудудда одамлар ичига кириб бора олмаяпти.

Партия ташкилотлари етакчилари мамлакатимиз да дунёда кечётган жараёнларга ўзининг фаол муносабатини билдириш, доимо элур юрт манфаатларига хизмат қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга амалий ишлар билан хисса қўшиш орқали одамлар ишончига сазовор бўлиб, ўз аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириши мумкинлигини унутмаслиги лозим.

«МТ» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Вилоят кенгаши пленуми

унда долзарб масалалар муҳокама қилинди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят кенгашининг кенгайтирилган III-пленуми бўлиб ўтди. Пленумда туман ва шаҳар кенгашлари Ижроия кўмиталари раислари ва вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққан вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Й.Жўлиев партия вилоят кенгашининг мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки ва унга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида маъруза қилди.

Пленумда партия вилоят кенгаши 2009 йил биринчи ярим йилликдаги иш фаолияти ва иккинчи ярим йилликдаги асосий вазифалари тўғрисида вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Тожиддин Эшмирозав маърузаси тингланди.

Кун тартибидagi "Миллий тикланиш" газетасига 2-ярим йиллик учун обунга масаласи ҳам муҳокама қилинди. Музокарада сўзга чиққан ЎЗМТДП Нурота туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Л.Бозоров, ЎЗМТДП Навбахор туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Р.Саилханов, Кармана туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари С.Қодиров мазкур туманларда газетага обуна ниҳоятда кам эканлиги ва уни кўпайтириш чоралари кўрилатганини айтишди. Ийгилишда айниқса, Қонимех, Томди ва Учқудуқ туманларида обуна мутлақо қониқарсиз аҳволдалиги қайд этилди ва уни кучайтириш чоралари белгиланди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

П.ЖУМАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Мустақиллик ва маънавият

мавзуси тадбирларда етакчи мезонга айланди.

Сарвар ХУРРАМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎЗМТДП Бухоро шаҳар ҳамда Олот туман кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда “Мустақиллик - юрт тинчлиги ва барқарорлиги, инсон манфаати эркинлиги ва фаровонлиги ҳамда демократик жамият барпо этишининг гаровидир” мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ва бир қанча ташкилотлар ходимлари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини ЎЗМТДП Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.Усмонов кўриш сўзи билан очди. Шундан сўнг кун тартибидоғи масала юзасидан маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Самидулло Махмудов барча соҳада эришилаётган ютуқлар, ёшларимизга бўлган эътибор ва халқимиз тинч, фаровон ҳаёт кегираётганини таъкидлаб ўтди. “Ўзбекинав” эстрада бирлашмаси Бухоро вилоят бўлими директори М.Фатхуллаев “Мустақиллик – бу авваламбор ўзликини англашдир” мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, тадбирда ЎЗМТДП Бухоро шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” раҳбари Ш.Темиров партияимиз гоё ва мақсадлари ҳақида тўхталиб, давра суҳбатини янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди.

Давра суҳбати очик мулоқот ва савол-жавоб тарзида бўлиб ўтди.

“Устоз отангдек улуг!” мавзусида ЎЗМТДП Зафаробод туман кенгаши ташаббуси билан Зафаробод шаҳарчаси “Мунис” мактабгача таълим муассасасида учрашув ташкил этилди. Ушбу тадбирда халқимизнинг азалий “Устоз ва шогирд” анъанасини ҳар томонлама тарғиб-ташвиқ этиш, ривожлантириш ва замонавий талаблар даражасига кўтариш гоёси илгари сурилди.

Унда партия аъзолари, туман халқ таълими бўлими, “Камолот” ЕИХ туман кенгаши ҳамда ҚФЙ фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Х.Тўрақуллова устоз ва шогирд ўртасидаги муносабат ҳақида батафсил тўхталиб, ёшларнинг келгусида камил инсон ва малакали мутахассис бўлишларида устозларнинг хизмати катта эканлигини таъкидлади.

Иштирокчилар тингланган маърузалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ЎЗМТДП Жиззах вилоят кенгаши вилоят Маънавият – тарғибот марказида “Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳимоя тизимида амалга оширилган ишлар: ютуқлар ва истикболлар” мавзусида тадбир ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва яна бир қатор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ф.Қодиров олиб борди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Маматов мавзу юзасидан атрофлича маъруза қилди.

Тадбир Жиззах ДПИ қошидаги “Гулдаста” гуруҳининг концерт дастури билан янада қизиқарли ўтди.

“Соғ танда соғлом ақл” мавзусида ЎЗМТДП Фарғона вилоят кенгаши билан ЎЗМТДП Фарғона туман кенгаши ҳамкорлигида тадбир бўлиб ўтди. Фарғона тумани “Хонқиз” ҚФЙ ҳудудидаги “Орзу” болалар оромгоҳида ташкил этилган ушбу тадбирда болалар ўртасида спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақа ўтказилди. Унда партиянинг вилоят ва туман вакиллари, партия “Ёшлар қаноти” етакчилари, “Камолот” ЕИХ, “Маҳалла” жамғармаси ҳамда Маънавият тарғибот маркази туман бўлими вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Фарғона вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Н.Собиров ҳукуратимиз томонидан спортга катта эътибор қаратилаётганлиги, аммо айрим мутасадди раҳбарларнинг ишқ-маслиқлари натижасида бу каби мусобақалар ҳамма жойда ҳам ташкил этилмаётганини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг иштирокчиларга омад тилади.

Тадбир сўнгидея мусобақа голибларига партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

ЎЗМТДП Термиз шаҳар кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда ўқув-семинар ўтказди.

Унда ЎЗМТДП вилоят кенгашининг фаол аъзолари иштирок этишди. Ўқув-семинарда сайловолди кампаниясини молиялаштириш тизими ва уларни амалда қўлланилиши тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Тадбирда иштирокчиларнинг мавзу доирасидаги фикр-мулоҳазалари, савол-жавоблари ҳамда таклифлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, сайловолди жараёнларида нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди. Бундай амалий машғулотлар эса семинар ишининг янада самарали ўтишини таъминлади.

ЎЗМТДП Боғот туман кенгаши томонидан Боғот иқтисодиёт, агросаноат касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда “Гиёҳвандлик - аср вабоси” мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда партия аъзолари, коллеж ўқитувчилари ҳамда туман ИИБ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси С.Душарова гиёҳвандликнинг иллатлари, салбий оқибатлари ҳақида тўхталиб ўтди. Сўзга чиққанлар ёшларни гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолмасликлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирдилар.

Тадбир иштирокчиларнинг савол-жавоблари билан янада қизгин кечди. Шунингдек, “Ёшлар наркомания ва жиноятчиликка қарши” шиори остида ЎЗМТДП Урганч шаҳар кенгаши, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда кикбоксинг бўйича 1993-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Урганч шаҳар ҳокими совини учун 1-вилоят очик турнири ўтказилди. Тадбирда Урганч шаҳар ҳокимлиги, партия фаоллари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг аҳамияти хусусида тўхталиб, ёшларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлариغا катта эътибор қаратишни таъкидладилар.

Турнир голибларига партиянинг фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

“Ёш оилалар – келажгимиз пойдевори!” мавзусида ЎЗМТДП Шўрчи туман кенгаши, туман “Микрокредитбанк” ҳамда “Камолот” ЕИХ туман кенгаши билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда ёш оилаларга берилётган имтиёзли кредитлар ва уларни олиш тартиблари, имкониятлари тўғрисида ЎЗМТДП Шўрчи туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ф.Ҳамидов кераклича маълумот берди. Шу билан бир қаторда давра суҳбатида туманда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Келажгимиз эгалари бўлган болажонларнинг ёзги таътил кунлари мароқли ва завқли ўтмоқда. Уларнинг соя-салқин оромгоҳларда яйраб-яшнаб ҳордиқ чиқараётганларига гувоҳ бўлар эканмиз, болажонларга чексиз ҳавасида келади. Таътил даврида ўқувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, уларнинг билим олишлариغا ижобий таъсир ўтказиши Бунда, айниқса жисмоний тарбия ва спорт орқали соғломлаштириш турли маданий-маърифий тадбирларнинг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Сирдарё вилоятида ҳам болажонларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда бугунги кунда 20 та оромгоҳ ишлаб турибди. Сирдарё туманидаги “Меҳнат” темирйўл станцияси ҳудудида жойлашган 4 та соғломлаштириш оромгоҳида вилоятнинг Сирдарё, Гулистон, Оқолтин, Сайхунобод туманларидан келган ўғил-қизлар дам олмақдалар. Бу ерда уларнинг мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бу борада партиянинг фаоллари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Яқинда “Миллий тикланиш” демократик партияси Мирзаобод тумани кенгаши томонидан



Туман кенгаши ташаббуси

“Наврўз” кўргонида жойлашган “Қалдирғоч” соғломлаштириш оромгоҳида “Фарзандлари” соғлом юрт — қудратли бўлур” шиори остида спорт мусобақаси ўтказилди. 80 нафар ўғил-қиз дам олаётган ушбу оромгоҳ шу кунги меҳмонлар билан гавжум бўлди. Қизқарли курашларга бой бўлган бу бахсларда болажонлар кураш, арқон тортиш, югуриш, шахмат ва

шашка каби спорт турлари бўйича беллашдилар.

Беллашув якунида голиблар туман кенгашининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

— Фарзандларимиз баркамол инсон бўлиб улғайишларида спортнинг ўрни катта, дейди биз билан суҳбатда ЎЗМТДП Мирзаобод туман кенгаши Ижроия

кўмитаси аъзоси, туман бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Кўчим Ҳайдаров. — Зеро, соғлом болаларнинг дунёқараши ҳам теран бўлади, соғлом фикрлайди.

Сирдарё туманидаги “Бургутча”, “Турон”, Зомин туманидаги “Гулистон”, “Юбилей” оромгоҳларида ҳам партия фаоллари томонидан ана шундай маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

ФАОЛИЯТ

Тадбирда партия фаоллари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари ва партиядан туман, шаҳар кенгашларига сайланган депутатлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Тадбирни ЎЗМТДП вилоят кенгаши раиси Й.Жўлиев кириш сўзи билан очди.

Истиқлол — маънавий

тикланиш ва юксалишдир

Навоийда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши ана шу мавзуда тадбир ўтказди

Парда ЖУМАЕВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

— Бугун барча сиёсий партиялар қатори ЎЗМТДП ҳам дастурий мақсад ва гоёларини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, сиёсий жиҳатдан фаол бўлган ўз хайрихоҳ ва тарафдорларини кўпайтириш йўлидан бормоқда. Олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири партиянинг мустақам ижтимоий қатламини шакллантириш экан, унга “Миллий тикланиш” гоёси ва мафқурасини асосий йўналишлари тарғиботини кучайтириш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш орқали эришамиз, — деди вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси Анаора Бобомуродова сўзга чиқди ва, жумладан, шундай деди:

— Биз ота-боболаримиз хоки ётган бу юрт, бу муқаддас замин бизники, унинг бугунги ва истиқболви фақат ўзимизга боғлиқ, мустақиллик пойдеворини қурган инсонлар бошлаган ишларни давом эттириш бизнинг эзгу бурчимиз, деган тушунчани, керак бўлса, ҳаётини эътиқодини, ёшларимизнинг онгу шуурига сингдиришимиз даркор.

Тадбирда бутун дунёда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз чора-тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир

Анорбой НОРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Айни кунда юртимизда мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллик тантанасига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича катта ишлар олиб борилапти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш

байрамга айланди

мақсадида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, унда партияимиз аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши томонидан Гулистон шаҳрида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. “Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажгимиз гаровидир” деган эзгу гоёни ўзида мужассам этган ушбу

тадбир катта тантанага айланди.

Тадбирда вилоятнинг таниқли ижодкорлари, хушовоз хонандалар, иқтидорли ёшлар иштирок этдилар. Анвар Тоғаев, Ҳасан Абдувоҳидов каби шоирлар она Ватан, истиқлол мадҳини ўзида ифода этган шеърларини ўқидилар. Динора Холиқова, Ойбек Худойназаров, Зулайхо Нишонбоева, Шаҳзода Дадахонова ижросидаги дилрабо қўшиқлар ҳам дилларга завқ-шавқ бағишлади.

Партия вилоят кенгаши аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Асатилло Холиқов раҳбарлигидаги “Сирдарё наволари” ашула ва рақс дастасининг чиқишлари тадбирга янада файз киритди.

МУРУВВАТ

Меҳрибонлик уйида

Сардор ДАМИНОВ,
ЎЗМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси етакчи мутахассиси

Ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат кўрсатиш, кексалар ҳолидан хабар олиш ва болалар ҳақида қайғуриш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган гўзал фазилатлардан саналади. Бағрикенглик, хайр-саҳават, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ёрдам беришдек қадриятларнинг дастурий мақсад ва вазифаларимиздан кенг ўрин эгаллагани барчамизни уларни амалга оширишда фаол иштирок этишига чорлайди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Избоскан туман кенгаши томонидан Пахтаобод туманида жойлашган ота-онанинг меҳридан мусово болалар учун фаолият кўрсатаётган 31-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг ёзги оромгоҳларида яхши дам олишларида беминат хомийлик қилиш мақсадида “Мустақил юртимизнинг келажиги ёшлар қўлида” мавзусида тадбир ўтказилди.

Партия туман кенгаши фаоллари, меҳрибонлик уйи жамоаси ва тарбияланувчилари иштирок этган тадбир ҳақиқий дийдорлашув ва диллашув айёмига айланди.

Партия туман кенгаши томонидан болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари, спорт-соғломлаштириш тадбирларида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида футбол, волейбол ва баскетбол тўплари, шахмат доскалари, турли мева ва सबзавотлар тортиқ этилди.

Шу кунги муассасада тарбияланувчи ўғил-қизлар томонидан давра ташкил қилиниб, она Ватан, тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибатни тараннум этувчи шеърлар ўқилди, қуй-қўшиқлар ижро этилди.

— Эътибор инсон учун энг яхши фазилатлардан саналишини бугун мана шу даргоҳда, ота-она меҳрига муҳтож болалар нигоҳидан яна бир бора хис қилдим, — деди биз билан суҳбатда ЎЗМТДП Избоскан туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Қудратилла Урақов. — Меҳр улашиш, кўмак бериш ва қўллаб-қувватлаш эса уларни рағбатлантириб, келажакка катта умид ва ишонч уйғотиши шубҳасиз.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП туман кенгаши раиси ўринбосари Г.Усмонова, меҳрибонлик уйи директори А.Ҳолмирзаев, директор ўринбосари М.Султонова мамлакатимизда ёш авлодининг соғлом ва баркамол бўлиб-вояга етишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, истеъдодларни рўёбга чиқаришга берилётган имкониятлар уларнинг камолоти йўлидаги муҳим ишлардан эканлигини айтиб ўтдилар. Муассаса тарбияланувчиларини эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб сифатида билимин, ватанпарвар ва фидойи инсон бўлиб етишишларига чорладилар.

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТ

ИФТИХОР

Орзулар ушаладиган озод Ўзбекистон бу

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хар сафар мағрур шохмот-чимизнинг жавоби қатъий бўлди: "Ўзбекинг гурури пулдан, бойлиқдан баланд туради". Гурур туйғуси уни галабалар сари бошлади. Орадан тўрт йил ўтиб, Сайдали Ереванда ўтказилган шохмот олимпиадасида кичик олтин медал билан тақдирланди, халқаро гроссмейстер унвонига лойиқ кўрилди.

Шу ўринда таниқли профессионал боксчиси Артур Григоряннинг ватанпарварлиги жўш урган лаҳзаларни эслашимиз керак. Профессионал боксининг ўз қоидаси бор: маълум муддат ичида чемпион ўз унвонини ҳимоя қилиши лозим. Артур кичик жароҳати бўлишига қарамастан америкалик боксчи Дэвид Армстронгга қарши жангга чиқди. Иккинчи раунддаёқ рақибига зарба бераётганида ўнг қўлидаги жароҳати оғирлашди, орқидан кўзлари тиниб кетди.

Яна бир-икки раундга чидамас керак,- деб ўйлади шу лаҳзада Артур, кейин хаёлида бир фикр чақмоқдай ёнди: - менинг галабамни бутун Ўзбекистон кутаяпти!

Ана шу ўй унга куч бағишлади. Қолган ўн раунд давомида орқидан писанд қилмай мардондор жанг олиб борди ва чемпионлик унвонини сақлаб қолди. Бокс мутахассиси мухлислари Ўзбекистон спортчининг матонатига тан беришди. Биз Тошкент аэропортида ўнг қўли бўйинга боғлаб кўйилган Артурни қахрамонлардек қутиб олдик. Зеро, Ватан шаъ-

ни учун оромдан кечганлар хар дуню хўрмат-эътиборга муносибдир. У 18 карра жаҳон чемпиони деган унвон билан боксчиликдан мураббийликка ўтди.

Спортчининг энг улкан галабаси Олимпия чемпиони бўлганидир. Халқимиз биринчи ўзбек Олимпия чемпиони асрлар кутди. Ниҳоят, 2000 йили Сидней олимпиадасида таниқли боксчиси Мухаммадқодир Абдуллаев шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди! Биринчи ўзбек Олимпия чемпиони кутиб олгани Тошкент аэропортига эшитган борки, фахр-ифтихор туйғуси билан чиқди. Уша тантанали кутиб олиш маросимида машҳур боксчиси Руфат Рискиевнинг айтган гаплари ҳеч эсимдан чиқмайди.

- Мухаммадқодир Олимпия чемпиони бўлган кун менинг йигирма тўрт йиллик армоним ушалди,- деди Руфат ака ҳаяжонланиб. - Чунки 1976 йил Монреаль олимпиадасида олтин медал ололмаганимда жуда афсусланган эдим. Ушанда ўзбеклардан чиққан Олимпия чемпиони кўриш орзунимга айланганди. Ниҳоят, ўзбек ўғлини олимпиада шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Унинг шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Бу сўзлардан теран мазмун-моҳият бор. Негаки, юртимиз вақиллари оламшумул галабалар қозониши, номдор спортчиларимиз орзу-армонлари ушалиши учун, аввало Ўзбекистонимиз мустақил бўлиши керак эди. Ахир, мамлакат озод бўлмаса, юрт обод, кўнглилар шод бўлмайди. Ўзингиз бир

тасаввур қилиб кўриниб, Ўзбекистон мустақил бўлмаганда оддийгина ўзбек хонадонидан вояга етган Рустам Қосимжонов шохмот бўйича 17-жаҳон чемпиони деган юксак унвонга эришармиди?! Очиғи, бу тасаввуримизга ҳам сизмасди. Шу боис Рустамнинг чемпион бўлган кун - 2004 йил 14 июль санасида Ливиядан Президентимизга йўллаган мактубидаги куйидаги сўзларида буюк ҳақиқат мужассамдир: "Бугун мен эмас - Ўзбекистон чемпиони бўлди, жаҳон шохмот тожиги мен эмас - бутун ўзбек халқи сазовор бўлди".

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг халқимиз томонидан севиб мутолаа қилинаётган "Юксак маънавият - енгилмас куч" китобини хар гал ўқиганимда бир неча йил илгари айтган фикрлари мантқан давом эътирилганини кўриб, қалбим фахр-ифтихор туйғуларига тўлади: "Томирида миллий гурури, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади". Дарҳақиқат, спортдаги, бошқа соҳалардаги буюк галабаларга миллий гурури, Ватан ишқи жўш урган юртдошларимизнинг қахрамонона саъй-ҳаракатлари тўфайли эришдик.

Бой маданий меросга, улкан соҳаюлғунга эга халқимиз узоқ кутган галабаларига мустақил тўфайли эриша бошлади. Иймоним комил, халқимизнинг оламшумул галабалари, буюк келажаги ҳали олдинда. Шуқурки, мустақил Ўзбекистонимизда миллий гурури, Ватан ишқи жўшган хар бир юртдошимизнинг эзгу орзулари албатта ушалади.



ЖАРАЁН

(Давоми. Боши 1-бетда)

- Бугунги кунда жамиятимизнинг ижтимоий ва маънавий муҳитини янада соғломлаштириш, ёш авлодни аждоқларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, миллий қадриятларимизни эъозлашдек ғоятда муҳим, келажагимиз билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда аёлларга сўзлаш, уларнинг куч-ғайрати, ақл-заковатларидан оқилона фойдаланиш, она сифатида ўз фарзанди тарбиясига масъуллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва жойлардаги бўлинмалари билан биргаликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Айниқса, аёлларнинг оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишларимизда Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Бу орқали кўллаб хотин-қизлар иш билан таъминланмоқда. Хусусан, 2009 йилнинг 3 оий давомида республика бўйича хотин-қизлар учун жами 83451 та янги иш ўрни (режага нисбатан 48,6% ортик) яратилган.

Баркамол авлод тарбияси нафақат аёлнинг, балки бутун жамоатчиликнинг олдида катта вазифаларни кўяётганини доимо ҳис қилишимиз зарур. Ёш авлод тарбиясида миллатимизнинг юксак қадриятлари ҳисобланган маҳалла, оила ва мактабнинг таъсири катта. Лекин, барибир мафкуравий тарбиянинг энг муҳим омили оила тарбиясидир. Халқимизда "Куш уясида кўрганини қилади" деган нақл бежизга айтилмаган.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги таъсирини кучайтириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумот берсангиз...

- Бу борада Республика Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда қатор тадбирлар, давра сўхбатлари ва мониторинглар ўтказдик. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Касаба Уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент вилояти ва шаҳрида аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида хотин-қизлар учун етарли меҳнат шарт-шароитларини яратиш ҳамда уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазаси масалаларида қорхона ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари иштирокида семинар машғулотлар ўтказдик.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида кўмита ва унинг барча бўғинларида "Раҳбар аёллар" клуби фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда турли соҳа вақилларидан иборат 7000 дан ортик раҳбар аёллар жалб этилган.

Ёш қизларни оилага, турмушга тайёрлаш ҳам муҳим вазифалардан саналади. Шундай эмасми?

- Дарҳақиқат, аждоқларимиз бежизга оила муқаддас риштанинг ҳосиласи эканини қайта-қайта тақорламаганлар, чунки ўша муқаддас ришталардан

Аёл унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бугуннинг талаби

бири никоҳ оилаларни мустаҳкамлайди ва одамларнинг қалбини ҳам бир-бирига боғлаб туради. Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилани шакллантириш, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишининг моҳияти, қариндошуруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларига бағишлаб маҳалларда қарийб 700 мингга яқин сўхбат ўтказилди ва унда 720 мингдан ортик аҳоли ва ёшлар иштирок этди. Бундан ташқари ёш қизларни ҳаётга тайёрлаш бўйича китоблар, махсус кўндалмалар, буклетлар тайёрлаб тарқатялмиз. Кўмитамиз ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка ҳудудлари ва Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Норин, Чортоқ туманларининг 13 та чекка қишлоғида туғиш ёшидаги аёллар, болалар, ўсимир ва қизлар тиббий кўрикдан ўтказилган. Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар ёш қизларимизни рўзгор тутушларига ўргатиш ва умуман келгуси ҳаётга тайёрлашда яқиндан ёрдам беришига ишонамиз.

Ахборот асрида яшашимиз, бугунги кунда "оммавий маданият" никоҳи остида кириб келаётган мафкуравий таҳдидлар нафақат ёш авлод онгига, балки бутун бир оилага ҳам таъсир этади...

- Бунинг учун биринчи навбатда маънавияти юксак бўлган қизларни, Ватанига содиқ мард ва жасур ўғлонларни тарбиялаш зарур. Бу борада нафақат она, балки маҳалла, мактаб, устозлар ҳам масъулдирлар. Замонавий ўзбек оиласи шундай бўлиши керакки, унда замонавийлик ва миллийлик уйғунлашиб кетган бўлсин. Урф-одатларнинг оилага фўрвонлиқ, келажакка яхшилик олиб келадиган нўқталари ва замонавийликнинг маърифатпарварлик, инсонпарварлик ғояси устунлиги сезилиб турсин. Ўз отасини бошқа тилда қақуриш, миллий кийимларни инкор этган ҳолда ота олдида очик-сочик кийиниб юрган қизларни ўстираётганларни замонавий, бугунги давр орзу қилган оилалар дейиш қийин. Замонавийлик дегани бу чегарадан чиқиб дегани эмас, балки бу дунёга янгича, баркамол нигоҳ билан қараш ва шу нигоҳда ўтмишга эҳтиром кўрсатишдир.

Бу каби миллатимизнинг маънавий қиёфаси учун ёт бўлган салбий ҳолатлар истаимизми йўқми ҳали ҳамон халқимиз орасида учраб туради. Ёшларимизни турли оммавий маданий таҳдидлар ёки менталитетимизга тўғри келмайдиган Фарб услубларига, уларнинг урф-одатларига эргашшининг салбий қибатлари тўғрисида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бораёлмиз.

Аёлларга берилаётган эътибор жамиятимизнинг янада раванқ топишига хизмат қилади. Бунинг учун аввало хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш лозим. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

- Мустақиллик йилларида ҳукумати томонидан аёлни улуғлаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги нуфузини ошириш борасида қабул қилинган барча муҳим ҳужжатлар хотин-

қизларнинг истеъдод ва иқтидори, имкониятларини намён ётиш учун шароит яратиб берилди. Жумладан, 1995 йилнинг 2 мартида Президентимиз томонидан республика аёлларининг давлат ва жамият қурилишидаги ўрнини оширишга бағишланган махсус Фармони қабул қилиниши натижасида хотин-қизлар кўмиталарининг раислари маҳаллий ҳокимият органлари таркибига киритилди ва улар жойларда ҳоким ўринбосарлари этиб тайинланди. Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси эса Бош вазир ўринбосари мақомига эга бўлди. Бундан ташқари аёлларнинг сиёсат майдонидаги фаоллигини таъминлаш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан 2004 йилда Ўзбекистон "Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида"ги Қонунига тегишли ўзгартишлар киритилиб, сиёсий партиялардан кўрсатиладиган номзодликка хотин-қизларга 30 фоизлик ўрин белгилаб қўйилди.

Бу ҳодиса юртимиз аёлларининг ҳаётини яхшилаш, опа-сингилларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишга имкон берди. Хотин-қизлар кўмитасининг ҳокимият таркибига киритилиши шунчаки, бошқарувнинг янги шакли эмас, мазмун-моҳиятига кўра сиёсий, маънавий ва иқтисодий аҳамият касб этади. Айни пайтда юртимиз аёллари яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда фарзанд тарбияси билан шуғулланиш билан бирга давлат қурилишида иштирок этиш, тадбиркорлик ва иқтисодий соҳа тараққиётига ҳисса қўшиш, илм-фан ривожига ўз иқтидорини кўрсатиш каби ишларга ҳам қодир эканини намойиш этмоқда.

Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда тузилган шартнома бўйича хар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари ва улар тизимидаги кадрлар малакасини ошириш курслари ташкил этилади. Шунингдек, жорий йилда Республикада фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда Хоразм, Сурхондарё, Самарқанд, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" вақиллари учун сайловолди кампанияларда иштирок этиш борасида семинар-тренинглар ўтказилди. Узоққа бормайлик: шу йилнинг 15-19 июнь кунлари мавжуд барча олий ўқув юрлари хотин-қизлар кенгашлари раисларининг кўмита тизими билан боғлиқ масалалардаги билим, кўникма ва малакаларини ошириш мақсадида "Истеъдод" жамғармасида "Юксак маънавиятли шахсга қўйилган талаблар мажмуи" мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Ўзбекистонда аёлларга жаҳон давлатларининг ҳеч бирида қузатилмаган эҳтиром ва ҳўрмат кўрсатилмоқда. Аёл зотини улуғлаш учун унинг номига йиллар аталди, аёл номида муқофотлар жорий этилди. Ниятим, юртининг аёллари фозила бўлсин ва шу мамлакат раванқи учун комил фарзандларни тарбиялаб берсинлар!

Мен истиқлол фарзандиман

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу йили Ўзбекистон Давлат концертваториясига ҳам имтиёзли қабул қилиндим.

Ўтган бир неча йил ичида мен ўзбек классик мусиқаси, мумтоз қўшиқларимизни ўзим учун қайта кашф этдим, ҳисоби. Мақомлардаги айрим йўллари муқаддас китоблардаги оҳангларга ўхшашлиги, ашулаларда сўз ва куй уйғунлиги, сатрлар қатида яширинган кўнжа Шарқ фалсафаси мени ўзига ром этди. Ота-онам адабиёт ва санъатга алоқадор инсонлар бўлганлари боис, бу борада ҳам омадим келди, деб ўйлайман. Мен ўзбек мақомларини тўла ўрганишга бел боғладим ва бунинг учун тинмай изланиб, устозлардан сабоқ олмақдаман. Ўзбекистонимиз санъатини, ўзбек мақомлари ва халқ қўшиқларини дунёга таратиш энг катта орзумим ҳисобланади. Шу орзумим қисман рўёбга чиқди: шу йилнинг май-июнь ойларида Япониянинг 14 та шаҳрида "Регистон" гуруҳи билан биргаликда якхон қўшиқчи сифатида 26 та концерт дастури намойиш этдик. Япония-



ликлар биз ўзбекларни катта қизиқиш ва эътибор билан кутиб олдилар. Хозир хар томонлама етук, баркамол қизлар эртанги куннинг яратувчилари бўлиб, республикамизнинг турли олийгоҳ ва касб-хўнар коллежларида фаолият юритмоқдалар. Мен "Миллий тикланиш" демократик партияси сафларида ана шундай баркамол ёшлар янада кўпайишини истаймман! Улар миллий қадриятларимиз, қолаверса, миллатнинг қаддини тиклашда фаоллик кўрсатишлари, халқ манфаатлари ва маънавияти йўлида буюк ишларга қодир ёшлар бўлиши лозим. Мен ана шундай бахтли ёшлар сафидан эканлигимдан фахрланаман.

ОГОҲЛИК

Ҳушёр ва огоҳ бўлинг!

Юнусобод туман ҳокимлигида "Одам савдоси: ҳушёр ва огоҳ бўлинг!" мавзусида тадбир бўлиб ўтди

Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ИИБ, "Истиқболли авлод" ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Юнусобод туманидаги маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, маҳалла раислари маслаҳатчилари иштирок этди.

Республикамизда одам савдосига қарши курашиш борасида ҳуқуқий база яратилиб, қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақса-

ди. Шу боис ҳозирги вақтда мамлакатимиз миқёсида одам савдосига қарши курашиш борасида унинг салбий оқибатлари хусусида Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаёттир. Шунингдек, турли семинарлар, анжуманлар, учрашувлар мунтазам ўтказилаёттир.

Бундан ташқари, тадбирда "Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият", "Одам савдосига қарши кураш, бундай жиноятлардан жабрланган аёлларга ёрдам кўрсатишда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ўрни", "Одам савдоси: муаммо ва ечим" сингари мавзуларда маърузалар тингланди. "Кулликка рози бўлман" номли видеоролик намойиш этилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс"

МУТОЛАА

Глобаллашув ва миллий масала

Ҳозирги даврда глобаллашув ўзининг янги, ўзига хос қирраларини намойён этмоқда. Глобаллашув билан бир қаторда миллатларнинг ўзлигини англашга, миллий-маънавий меросларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини қайта тиклашга бўлган интилишлари ҳам кучайиб бормоқда.

Карим НОРМАТОВ,
профессор

Таниқли файласуф олим Саъдулла Отамуродов ўзининг "Глобаллашув ва миллат" китобида шундай қайд қилади: "Ана шу замонавий оммавий инфорацион воситалар ҳамда у ёрдамида курраи заминнинг энг узоқ жойларида фан-техника ва технология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар бир зумда оммавийлашиб бормоқда. Бунинг натижасида иқтисодий ҳаётнинг ўсиши ва табиий интеграллашув жараёни ҳам содир бўлмоқда. Шунинг билан бирга бу жараёнда камида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки ҳолат кўзга ташланмоқда: биринчидан, тараққий этган мамлакатлар ўзларининг катта имкониятлари ва улкан интеллектуал салоҳиятлари билан фан-техника, технологиянинг энг замонавий турларини яратмоқдалар ва уларни энди тараққий этган кираётган ёки кам тараққий қилган мамлакатлар ҳаётининг барча соҳаларига жорий қилишга ҳаракат қилмоқдалар ҳамда бунга эришмоқдалар; иккинчидан энди тараққий этган мамлакатлар ана шу замонавий ютуқларни ўзлаштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Аслида бу табиий жараён ҳисобланади. Лекин худди ана шундай жараёнда тараққий қилган мамлакатлар ва халқларнинг ҳам бундай имкониятлари бўлмаган мамлакат халқлари устидан нафақат иқтисодий, балки маънавий ҳукронлигининг юзага келиши содир бўлмоқда. Ана шу фан-техника ва технология соҳасидаги ютуқларни ўз ҳаётларига жорий қилишга интилишларининг кучаяётганлиги оқибатида бундай имкониятларга салоҳияти етмаётган мамлакатлар халқлари онгида тайёрга айёр руҳиятининг шаклланиши ҳамда бу ўз навбатида интеллектуал қарамликнинг вужудга келиши хавфини юзага келтираётганлигини кузатиш мумкин".

Бундай ҳулосага келиш учун муаллиф куйидаги жараёнлар: глобаллашувнинг мазмун ва моҳияти ҳамда миллат тушунчаси; унинг миллий ривожланишига ўтказиб берилган таъсири оқибатлари; миллатлараро муносабатларга таъсири, миллий ўзликини англаш учун ривожланиш заруриятининг кучайиши; глобаллашувнинг миллатчилик ва шовинизм руҳияти ривожига таъсири; миллий-маънавий иммунитет; миллатни глобаллашув таъсирининг ҳимоя қилишда миллий тарбиянинг имкониятлари сингари масалаларга сиёсий фалсафий таҳлил берилди.

Бугунги шароитда глобаллашувнинг кучли босимини сезмоқдамиз. У халқимиз айниқса, ёшларимиз онг ва қалбини миллатимизнинг ўзига хослиги ва менталитетига ёт гоъяларни сингдиришда катта омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур китоб худди ана шу жараённинг намойён бўлиш хусусиятлари, уларнинг олдин олиш омиллари, имкониятлари ҳақидаги гоъялар ва мулоҳазаларни ўз ичига олган.

Глобаллашув ва миллий муносабатлар мураккаб жараён эканлигини китобда келтирилган назарий ва эмприк материаллар таҳлилида кўриб ўтдик. Яъни глобаллашув таъсиридан бирорта миллат ёки халқнинг четда қоллиши мумкин эмас.

Ана шундай шароитда глобаллашув жараёнини "жиловлаш" имконияти бўлмаса-да, миллатни асраш, уни ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини ҳимоя қилиш-ўзлигини англаган ёки англашга интилаётган ҳар бир миллат олдида турган энг долзарб вазифага айланади бормоқда. Зеро, оламнинг турли-туманлиги, миллат ва элатларнинг ўзига хослигини инсон завқланади, ундан баҳра олади. Шу тариха инсониятнинг истиқболга интилиши ва маънавий бойиш жараёнининг узлуқчилиги давом этаверади. Глобаллашув жараёнининг авж олиши шароитида миллат тақдирини ва унинг истиқболи масаласи алоҳида фундаментал изланишни талаб қиладиган йўналишни ташкил қилади. Китобни ўрганиш давомида кўрдики, инсоният бор экан, миллат ҳам мавжуд бўлади. Чунки, ҳар бир инсоннинг чинакам инсонийлигининг муҳим белгиларидан ва мавжуд бўлишининг шартларидан бири ҳам унинг қайси миллатнинг вакили эканлигини ҳис эта билишида намойён бўлиб қолаверади.

Глобаллашувнинг миллатга ўтказиб берилган таъсирининг мазмун ва моҳияти билан бирга бундай имкониятлардан бири миллий ривожланиш гоъяси концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнидир. Бу концепциянинг зарурияти шундаки, гоъя ва мафкуралар турли-туманлиги ҳамда улар ўртасида зиддиятлар кучаяётган бир шароитда у миллатни нафақат бирлаштириш, шунингдек унга истиқболнинг хавф остида эканлигини англашга, унга ўз келажиги учун фидойи бўлиш руҳиятини ҳам шакллантиради. Бу гоъянинг амалий томони шундаки, у миллатни ўтмиш ва бугун билан эмас, балки эртанги кун истиқболи учун масъул бўлишини англашга гоъявий асос бўлади.

Глобаллашув жараёнининг авж олиши миллат тараққийотида қанчалик хавф солмасин унга қарши тура оладиган миллий омиллардан самарали тарзда фойдаланиш имкониятларини ишга солишини алоҳида аҳамияти ошиб боради ва бу ўз навбатида миллатнинг инсон гўзаллигининг гултожи сифатида сақланиб қолишига ёрдам бериб бораверади. Дарҳақиқат, китобнинг энг муҳим аҳамияти ҳам ана шунда!

Улкан дарахтнинг илдишлари ҳам чўнг ва мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ҳам улар узоқ яшайдилар. Миллий анъаналаримиз, хусусан зардушлик ва каштачиликни ҳам ана шундай умрбоқий ашёларга менгзаши мумкин. Мустақиллик уларга янги ҳаёт бағишлади. Бугун ёшларимиз момоларидан мерос қолган ана шундай анъаналарни катта завқ ва шавқ билан давом эттирмоқдалар. Демак, миллий анъаналаримиз яна узоқ йиллар яшайди, умри боқий бўлади.

А.ҲАЙДАРОВ
олган сурат



МУЗЕЙДА

Булунғур туманидаги хўжаликлардан бирига бежизга бахши Фозил Йўлдош ўғли номи берилмаган. Бу маконларни, кенгликларни шоир қанчадан-қанча кезган экан, деган фикр ҳаёлимиздан ўтади. Номи жаҳонга машҳур сўз устаси бир ўтиришда "Алломиш"дай катта достонни тўхтовсиз айтиб бера олган.

Пардабой ТОЖИБОВ,
"Milliy tiklanish" муҳбири

Маҳаллий аҳолининг айтишича, унинг вужудига киркча достонни айта олиш қудрати бўлган. Унга бу қобилиятни соҳир табиат берган. Ҳозир биз унинг номи билан аталган музейдамыз. Бу ердаги экспонатлар-китоблар, қўлёзмаларни кўриб, буюқ ўтмишимиз, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросдан фахрланиб кетдим. Шу онда Юртбошимизнинг республикамиз мустақиллигининг 18 йиллигига тайёргарлик қилиш

ва уни ўтказиш тўғрисидаги қароридан "Мустақиллик йилларидаги бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнати-миз, кўхна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағри-кенглик, ҳамжихатлик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш" лозимлиги ҳақидаги сўзларни эслаймиз. Ҳа, мустақиллигимиз туфайли ўзлимизни англаб етдик. Буни биргина ана шу музей мисолида ҳам кўриш мумкин. Музейга рес-

Булунғур достончилиги мактаби

унда Фозил Йўлдош ўғлининг алоҳида ўрни бор

публикамизнинг тарихий жойларидан шоирни шахсини ифода этувчи ашёлар, қўлёзмалар, китоблар, расмлар, у чалган дўмбира, айтган достонлари олиб келинган. Музей олдида самарқандлик хайкалтарошлар томонидан ишланган бахшининг дўмбира чалиб ўтирган сиймоси ўрнатилган. Атрофи кўкаламзорлаштирилиб, зиёратгоҳга айлантирилган.

Фозил отанинг бой ва маънавий дунёси акс этган ижоди қишлоқларимиз аҳолисида битмас-туганмас фахр уйғотилади, - дейди шу хўжалик худудидаги "Сохибкор" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳим Исмоилов. - Музейда шоир ҳаёти билан боғлиқ экспонатлар, халқимиз тарихини акс эттирувчи осори-атиқаларни

сир бошлаб, кейин Амир баҳши, Султонмурод баҳши, Бекмурод баҳши, Қурбонбек баҳши, Йўлдош булбул баҳши, Мулла Мурод баҳши, Амин баҳши, Раҳмонберди баҳши, Дўстёр, Товошар, Уроза-ли, Ғужмат, Абдурауф, Субҳон, Маматқул, Шерали, Сафар баҳшилар... Ниҳоят, элларни лол қолдирган Фозил Йўлдош ўғли давом эттирган.

Битта Булунғур достончилиги мактабидан шунча баҳши! Атоқли фольклоршунос олим Ходи Зариф тузган ва тартибга солган залда халқ оғзаки ижодининг бой тарихи акс этган. Малик Муродов, Ғани Жаҳонгир, Тура Мирзаевлар яратган экспонатлар томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Булар орасида Булунғур достончилик мактабининг экспонатлари қуёшдек ярқираб турибди.

Мустақиллигимизнинг кутлуг 18 йиллиги ачинашмоқда. Энг улғу, энг азиз Ватанимизнинг кутлуг тўғй арафасида Фозил Йўлдош ўғлига қасида ўқиб турган музейдан кўп таассурот олдик. Ҳали бу музей янада шаклланади, экспонатлар билан бойиб, Самарқанд вилоятининг энг азиз ва улғу гўшасига айланишига шак-шубҳа йўқ.

ЭЪТИРОФ

Яшиллик оламига бахшида умр муносиб баҳосини олмасдан қолмайди

Она табиат мўъжизакор турфа гиёҳларни бизнинг пурвиқор тоғларимизга, чексиз саҳроларимиз кўксига моҳирлик билан қадаган-ки, таърифига сўз оғиз.

Марҳамат МАТВАФАЕВА,
Биология фанлари номзоди

Шоир ёзганидек:

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон
Достонларга битган гулистон.
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб, эл тилга олур.

Ҳа, она-Ватанимизнинг тупроғида ўсган турфа гулу чечаклар шоирларга ана шундай чексиз илҳом беради. Аммо ҳар бир ўсимлик турининг ўзига хос ички дунёси, сир-синоатлари, кўз кўриб олганга гоъяда мураккаб хусусиятлари, қадриятлари бор. Буларни билиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника илмий ишлаб чиқариш маркази олими, таниқли систематик, флорист, педагог, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, биология фанлари доктори, профессор Уктам Пратов ўзининг 50 йилдан зиёд-роқ умрини яшиллик оламига бағишлади. Балки бу олимнинг болалик йиллари юксак пурвиқор Хумсон тоғлари бағрида ўтиб, она табиатга меҳри ана шу тоғлар қўйнида ўсган турфа гиёҳлардан бошланган бўлса, бу ҳамда Уктам Пратов табиатимизнинг поёнсиз тоғларини ҳам, жазирама қум-сахраларини ҳам, жўшқин дарёлари, сойларини ҳам, хуллас, яшил гиёҳлар ўсиб турган масканларни қадамба-қадам кезиб чиққан. Хаттоки, куш учса қаноти, одам

юрса оёғи қуядиган Африканинг Саҳрои-Кабиригача етиб борган.

1954 йилда Урта Осиё Давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ)нинг биология-тупроқшунослик факультетига ўқишга кириб, олийгоҳни тугатгач, 1959 йили йўлланма билан ЎзРФА Ботаника институтининг юксак ўсимликлар лабораториясида ишлаб бошлади. Бу билим масканида у ўз фаолиятини кичик илмий ходимликдан бошлаб, биология фанлари доктори, Ботаника институтининг директори лавозимига чалғиб келди. Унинг илмий фаолияти кичик илмий ходимликдан бошлаб, биология фанлари доктори, Ботаника институтининг директори лавозимига чалғиб келди. Унинг илмий фаолияти кичик илмий ходимликдан бошлаб, биология фанлари доктори, Ботаника институтининг директори лавозимига чалғиб келди. Унинг илмий фаолияти кичик илмий ходимликдан бошлаб, биология фанлари доктори, Ботаника институтининг директори лавозимига чалғиб келди.

Уктам Пратовнинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари туфайли Тошкентдаги тарқоқ гербарийларни бирлаштириб, республикада ягона марказлашган гербарийга айлантириш, яъни ТошДУ, Табиат музейи, ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институти, ТошДПИдаги гербарийлар (коллекциялар) Ботаника институти қошида бирлаштирилди. Шундай қилиб, Марказий Осиёда биринчи ўринда ва МДҲда иккинчи ўринда турувчи 1 млн. 400 мингга яқин коллекцияга эга бўлган "Марказий гербарий" яратилди.

1993 йилнинг декабрь ойида Санкт-Петербургда ЮНЕСКО томонидан уюштирилган гербарийларга бағишланган биринчи халқаро конференцияда Марказий гербарий жаҳон аҳамиятига эга бўлган гербарий, деб эълон қилинди. Ҳозирги кунда Марказий гербарий халқаро гербарийлар каталогига киритилган йирик ноёб маскан ҳисобланади.

2006 йили олим раҳбарлигида ва бевосита иштирокида ўзбек, рус ва инглиз тилларида рангли тасвирларда Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"нинг қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи наشري чоп этилди. Бунда ноёб ва йўқолиб бораётган 305 ўсимлик тури келтирилган.

Ҳаётда ҳам, табиатда ҳам ўзига хос тош-тарози, мувозанат бор. Инсоннинг фаолияти ана шу мувозанатга мос келмас экан, камёб ва ноёб турлар сони камайиб, "Қизил китоб"га кирадиган ўсимликлар эса кўпайиб бораверади, - дейди Уктам Пратов. - Айни пайтда табиатни, шу жумладан наботот оламини сақлаб қолиш, уни кўз қорачигидек асраб, келгуси авлодларга қолдириш виждон амримизга айланиши лозим.

Олим 1987 йилда Санкт-Петербургда "Урта Осиё ва Шимолий Африка шўралари (систематикаси, географияси, филогенияси)" мавзусида В.Л.Комаров номидаги Ботаника институтида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1977 йилдан то 1980 йилгача Шимолий Африкадаги Ливия флорасини ўрганди. Мазкур минатка ўсимликларнинг 306 турдан иборат тўлиқ рўйхатини Ливия давлат университетининг профессори

А.Гадий билан ҳамкорликда инглиз тилида нашр этди. Ливияда йиғилган 16 мингдан зиёд гербарийдан 6000 га яқинини Тошкент Ботаника институтига олиб келди ва уларнинг мингга яқин турларини аниқлади. Бу Африкадан Ўзбекистонга олиб келинган ягона дурдона ҳисобланади.

"Қизил китоб"нинг "Лолалар (Урта Осиё лолалари)", олий ўқув юрталарининг талабалари учун ҳамкорликда "Юксак ўсимликлар систематикасига оид категория ва таксонлар", "Ўзбекистон бегона ўсимликларининг замонавий тизими" ва яна бошқа катор асарларнинг ёзилишида ўз меҳнатини аямади. Ўзбек тилида Ботаникага оид асарлар ва таксонларнинг ўзбекча номларини яратиш олимнинг юксак орузи эди.

Қ.Зокоров, М.Набиев ва Х.Жамолновлар билан ҳамкорликда 1963 йилда "Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли лугати", 1993 йилга келиб эса, унинг бошчилигида "Ботаника" атамаларининг русча-ўзбекча қисқача лугати ва 1995 йили Т.Одилов билан "Ўзбекистон юксак ўсимликларининг замонавий тизими ва оилаларининг ўзбекча номлари", У.Пратов, М.Набиев "Ўзбекистон юксак ўсимликларининг замонавий тизими 2007 йил" номи қўлланмаси нашр этилди.

Дарҳақиқат, шогирди йўқ устозни меvasис дарахтга қиёслаш мумкин. Шахсан устоз раҳбарлигида 4 нафар фан доктори, 14 нафар фан номзоди етишиб чиқди. Булар орасида турли миллат вакиллари ва қардош республикалардан келган ёшлар ҳам бор.

40 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида минглаб талабаларга сабоқ ва тарбия бериб келди. Албатта офтоб мисоли зиё улашаётган, ёшларни илм нуридан баҳраманд қилаётган, устознинг меҳнатлари зое кетмади. У ўзидан муносиб ном, келажак авлодлар учун мукаммал мерос қолдираётди. Биз эса мустақил юртимиз илм-фанининг равнақи, келажиги учун бундан-да буюқ қияфатлар қилади, мислсиз янгиликлар яратади, деб ишонамиз.

ИҚТИСОДИЁТ

ЯРМАРКА — 2009

Қарийб 15 минг ёш мутахассис

меҳнат ярмаркасида ишли бўлди

Яқинда пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида жорий йилдаги энг йирик янги иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тошкентдаги академик лицей ва касб-хунар коллежларини тамомлаган ёш мутахассислар учун мўлжалланган ушбу меҳнат ярмаркасида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган 250 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса янги иш ўринлари билан иштирок этди. Мазкур ярмарканинг эътиборли томони шундаки, бу гал ўрта махсус, касб-хунар таълими битирувчилари учун 3500 дан ортиқ квота иш жойлари ажратилди.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти билан тобора интеграциялашиб бораётган экан, янгидан-янги корхона, турли соҳаларга ихтисослашган ташкилотлар очилмоқда. Демакки, янги ташкилот учун мутахассис кадрлар керак. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида малакали касб эгаларини ишга жалб этишнинг энг илғор йўллари билан бири — бу янги иш ўринлари ярмаркаларида қатнашишдир. Таъкидлаш ўринлики, ўтган йиллар давомида ҳукуматимиз томонидан ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиб, бу борада аҳолини иш билан таъминлаш, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари ва механизмларини такомиллаштириш борасида талай режалар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, аҳолини иш билан таъминлаш масаласи энг муҳим



Зиядулла НОРМУРДОВ олган суратлар



УМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗИ

Хаммамизга маълумки, ер умуммиллий бойликдир. Асрлар давомида у одамлар учун асосий тирикчилик манбаи бўлиб хизмат қилган. Шу сабабли ҳар биримиз ердан оқилона фойдаланишимиз лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Шунингдек, ердан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда ундан фойдаланганлик учун белгиланган миқдордаги ҳақни ҳам тўлаб бориш лозим.

Илҳом ЖУМАЕВ,
Адлия вазирлиги
Шартномавий-ҳуқуқий ишларни
назорат қилиш бошқармаси
катта маслаҳатчиси

Хусусан, қонунчилигимиз буйича ўз эгаллигида ер фойдаланишида ҳамда мулкда ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиши даражасига қараб белгиланади.

Бундан ташқари, ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиғи ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмастлиги керак. Ердан қишлоқ ҳўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг бир баравари миқдорда бўлади.

Юридик шахслар учун уларга мулк қилиб олинган ер участкалари, қишлоқ ёки ўрмон ҳўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ ҳўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланишга берилган ер участкалари, корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш

ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади.

Худди шундай, жисмоний шахслар учун турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ердан ҳўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари, яқка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари, хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар, мерос бўйича, ҳада қилиниши ёки сотиб олинishi натижасида уй-жой, дала ховли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади.

Ер участкасининг сифати пасайиб кетган тақдирда унга солинадиган солиқ миқдори ҳам мутаносиб равишда камайтирилиши мумкин. Лекин, қишлоқ ҳўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг маъмурий чегараларида жойлашган

ва устувор вазифа этиб белгиланди. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик яқунларига бағишланган йиғилишида таъкидланганидек, ҳисобот даврида 534,6 мингта, шу жумладан қишлоқ жойларда 328 мингта янги иш ўрни, корхоналар билан кооперация асосидаги қасаначилик соҳасида 52 мингта иш ўрни ташкил этилганни қайд этилди.

Бугунги ярмарканинг миқёси ва даражаси ҳар қачонгиданда катта бўлди, — дейди Учтепа тумани бандликка кўмаклашиш маркази бош мутахассиси Зухра Бузруқонова. — Бойсикли, унда асосан тўқимачилик, тиббиёт, дизайнер ҳамда миллий хунармандчилик каби юртимизда тобора ривожланиб бораётган соҳа корхоналари ўз тақлифлари билан иштирок этди. Яқинда бизнинг туманда учта текстил

маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонани ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу эса яна 150-200 нафар одам иш билан таъминланади, дегандир. Имкониятдан фойдаланиб, салоҳиятли, билимли ёшларни ишга тақлиф қилмоқчимиз.

— Тўғриси, коллеж ва лицейларни тугатган айрим ёшлар орасида “қаердан ва қандай иш топсам экан?”, деган ўй-хаёл билан юрганлар ҳам топилади, — деди Тошкент шаҳар ўрта махсус касб хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Зилола Аҳмедова. — Бу каби меҳнат ярмаркалари эса ёшларнинг касб танлаш имкониятини ошириш билан бирга ўзлари қизиққан, ўрганган касблари бўйича иш топишларига кўмаклашади.

Кўргазмада иш берувчи ва бандликка кўмаклашувчи идора вакиллари иштирокчиларга тақлиф қилинаётган иш — ташкилот фаолияти ва моддий таъминоти ҳақида маълумотлар беришди.

Сўхбатдошимиз Нозима Носирова жорий ўқув йилида маиший хизмат кўрсатиш коллежини тамомлади.

— Тикиш, бичиш ишларига қизиқмаман, — дейди у. — Менга “ВАУТЕКС” кўшама корхонаси томонидан тақлиф этилаётган иш ҳар тўмонлама маъқул келди. У ерда ходимлар учун яратилган имкониятлар жуда юқори экан. Шунинг учун ушбу корхона билан шартнома имзоласам, насиб қилса, келгуси фаолиятимни шу корхонада давом эттираман.

Икки кун давом этган меҳнат ярмаркасида пойтахтимизнинг барча туманларидан ташриф буюрган 14 мингдан ортиқ ёш мутахассис шу ернинг ўзида янги ишга йўлланма олишди.

Шербек ШАРИПОВ

ҚИҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Ўғит “тадбиркорлари”

Яқинда фарғоналик бошқоначилар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Фарғона туманида фуқаро Қ.Мадамшиновнинг хонадонини қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечирилганда, у ерда ҳеч қандай ҳужжатларсиз сақланаётган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва 57 донга қопларга солиниб қўшни давлатга олиб чиқиш учун тайёрлаб қўйилган салкам 3 тонна аммиакли селитра яширилганлиги аниқланди.

Тошкент вилояти бошқоначилари ҳам ана шундай ҳамкорликдаги тезкор тадбирлардан бирида 4 тонна аммиакли селитранинг талон-тарож қилинишига чек қўйишди. Бекободлик С.Нуриллоева хонадонини амалдаги тартибларга кўра кўздан кечириш чоғида топилган 80 та қопдаги ушбу минерал ўғитлар ҳеч қандай ҳужжатларсиз сақланаётган экан.

Ургутлик З.Умарова хонадонини қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечирган самарқандлик бошқоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари у ерда 163 донга қопдаги аммиакли селитра маҳсулоти яширинча сақланаётганини фош этишди. Анқиланишича, 7,5 тонна оғирликдаги ушбу минерал ўғитлар фуқаро М.Жулиевга тегишли экан.

Сирдарё вилояти бошқоначилари ҳам бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда йирик миқдордаги минерал ўғитлар контрабандасига чек қўйишди. Ширин шаҳридаги Ж.Шодмонқулловнинг хонадонини амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўздан кечирилганда салкам 17 тонна минерал ўғитлар қўшни давлатга олиб чиқиш учун ҳозирлаб қўйилгани фош этилди. Ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган ушбу минерал ўғитларнинг қиймати салкам 5 млн. сўмни ташкил қилиши маълум бўлди.

Шунингдек, вилоят бошқоначилари Мирзобод туманидаги чегара сым тўсиқлари ёнида қолдириб кетилган 3 та аравини тегишли тартибда кўздан кечиришди. Анқиланишича, араваларга ортилган 72 донга қопдаги салкам 4 тонна олтингургурт маҳсулоти қўшни давлатга яширинча олиб чиқиш учун ҳозирлаб қўйилган экан.

Республикамиз бошқоначилари томонидан жорий йилнинг дастлабки 6 ойи давомида минерал ўғитларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ 165 та ҳолат қайд этилган. Натижада қиймати 86 миллион сўмлик 300 тоннадан ортиқ минерал ўғитларнинг талон-тарож этилишига чек қўйилди.

“Қуён” бўлган спиртчилар

Республикамиз бошқоначилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда юртимиз ҳудудига сафати кафолатланмаган спирт ва алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний олиб килинишига қарши қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Мирзачўл туманидаги қўшни давлатга элтувчи айланма йўлларни назорат қилиш жараёнида жиҳазлик бошқоначилар чегара симлари ёнида изғиб юрган шахсларга дуч келишди. Аммо, кузатувга олинганини сезиб қолган кимсалар дарҳол қўшни давлат ҳудуди томон ҳужжатни ростлаб қолишади. Воқеа жойи белгиланган тартибда кўздан кечирилганда эса, у ерда 79 та полиэтилен қопларга жойлаштирилган ҳар бири 1,5 литр ҳажмли 1880 донга елим идишлардаги спирт ноқонуний равишда юртимизга олиб килинаётгани маълум бўлди. Анқиланишича, 3000 литрга яқин ушбу спирт маҳсулотининг қиймати салкам 3,5 миллион сўмни ташкил қилар экан.

Худди шундай ҳолат Тошкент туманидаги айланма йўллардан бирида ҳам содир бўлди. Бу гал қонунбузарлар 1250 литр пиво ва турли қандолат маҳсулотлари ортилган “Уаз 452” автомашинасини ташлаб, “қуён” бўлишган. Ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган ушбу маҳсулотларни яширинча олиб киришга уринган кимсалар оқибатда ўзлари панд ейишди, холос.

Арносой ҳаракатдаги бошқона пости ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир жараёнида йирик миқдордаги спирт контрабандасига чек қўйилди. Хоразмга йўл олган фуқаро М.Худойбергенов бошқарувидаги “КаМаз”нинг юкхонаси текширилганда, оз эмас кўп эмас, нақд 2 тонна спирт маҳсулоти ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кетилаётгани маълум бўлди. 12 донга турли сизимдаги елим идишларга солинган ушбу маҳсулотни ҳайдовчи нотаниш кимсаларнинг илтимосига биноан олиб кетаётганини қайд этди. Аммо, тирикчилик дея ўзгаларнинг илтимосини бажариш учун қонунбузарликка йўл қўйишни қандай қилиб оқлаш мумкин?

Элиқалъа туманидаги айланма йўллардан бирида ҳаракатланаётган давлат рақами 10 Н 187 АА бўлган “Форд-транзит” русумли автомашинаси бошқона назоратидан ўтказган Қорақалпоғистон Республикаси бошқоначилари салкам 1,5 тонна спиртининг ноқонуний олиб кетилаётганини фош этишди. 1000 га яқин 1,5 литрлик сизимдаги елим идишларга солинган, қиймати 10 миллион сўмга яқин ушбу маҳсулот ҳайдовчи О.Темировга тегишли экан.

Сирдарёлик бошқоначилар ҳам алкогольли маҳсулотларнинг ноқонуний айланмасига ўз вақтида чек қўйишмоқда. Ховос туманида тўхтаётган текширилган янгиреклик Т.Тўйчиев бошқарувидаги “КаМаз”нинг юкхонаси салкам 30 миллион сўмлик маҳсулотларни ўзида яширган экан. Ҳеч қандай ҳужжатларсиз ортилган ушбу 6 хил турдаги маҳсулотларнинг асосий қисмини 7000 дан ортиқ шиша идишларга қадокланган (салкам 11 тонна) “Пулсар” пивоси ташкил қилар экан.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2009 йилнинг биринчи ярми давомида бошқоначиларимиз томонидан 500 дан кўпроқ ҳуқуқбузарлик ҳолатларида қиймати 265 миллион сўмга яқин салкам 70 минг литр спирт ва алкогольли маҳсулотлар контрабандасига чек қўйилган.

Давлат божхона қўмитаси

Матбуот хизмати

Ер — умуммиллий бойлик

ёхуд ундан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақнинг тартиб-қоидалари хусусида

қишлоқ ҳўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ ҳўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорда ундирилади. Шунингдек, берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар миқдорда ундирилади.

Ердан ижара шаклида фойдаланилган тақдирда, ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмастлиги, ерлардан қишлоқ ҳўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса бир ставкаси миқдорда бўлиши лозим.

Ягона солиқ тўлови тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

Шунингдек, қонунчилигимиз буйича айрим юридик шахслар ер солиғи тўлашдан озод қилинган. Хусусан, тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, бўйсунувидан қатъий назар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун, деҳқон (фермер) ҳўжаликлари — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга, ноғиронларнинг жамоат бирлашмалари, “Нуруний” жамғармаси ва “Ўзбекистон Чернобилчилари” ассоциацияси мулкда бўлган, ишловчилари умий сонининг эллик фоизини ноғиронлар ташкил қилган юридик шахслар, (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юри-

дик шахслар бундан мустасно) ер солиғидан озод этилган.

Ҳозирги кунда юридик шахслар, хусусан кўпчилик ҳолларда фермер ҳўжаликлари уларга ер солиғидан озод қилишга берилган имтиёз даврида тугатилиб кетиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бундай ҳолатда, яъни юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтганига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Ер муносабатларини тартибга солиш норматив ҳужжатлари бўйича ер солиғи тўлашнинг аниқ муддатлари белгилиб берилди. Уларга кўра, ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги солиқ органига жорий йилнинг 1 февралгача тақдим этилади.

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланганда улар бундай ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан эътиборан солиқ тўлашнинг аниқ муддатлари белгилиб берилди. Ер солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар бундай ҳуқуқ тўхтатилганидан кейинги ойдан эътиборан ер солиғи тўлаб бошлайдилар.

Қишлоқ ҳўжалик корхоналаридан ташқари юридик шахслар томонидан солиқ йилнинг ҳар чорағида, тенг улушларда чорақдаги иккинчи ойнинг 15-кунгача тўланади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ер мамлакатимизда аҳолини моддий жиҳатдан таъминлашнинг асосий манбаи эканлигини ҳисобга олиб, ундан оқилона ва самарали фойдаланишимиз, шунингдек, фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб боришимиз лозим. Бу эса ўз навбатида ерларнинг унумдорлиги ошишининг гаровидир.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРХ

Беҳбуд БОТИРОВ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин миллий манфаатлар ҳимоясини энг устувор вазифа сифатида белгилади. Бунда нафақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, балки маданий-маърифий қадриятларни қайта тиклаш, қадимий илмизга эга бўлган миллий давлатчиликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.



Миллий манфаатлар ҳимояси

устувор вазифа, муқаддас бурч

Юртимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори юксалиб бораётгани, энг аввало, демократик ва бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга ошириш натижасида кўлга киритилган улкан ижобий ўзгаришларда, уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилишида намоён бўлмоқда. Бу яна шуниси билан аҳамиятлики, мамлакатимизнинг халқаро сийёсат майдонидан олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сийёсатининг натижаси сифатида эътироф этилаётганидир.

давлатлардан саналади. Ҳукуматимиз томонидан жафокаш афгон халқига гуманитар ёрдам бериш, мамлакат транспорт инфратузилмасини, жумладан, йўллар, кўприкларни қайта тиклаш, таълим ва маориф соҳасида, қурилиш ва ободончилик борасида ўзаро ҳамкорлик олиб бормоқда. Президентимизнинг Афғонистондаги вазиятни яхшилаш борасида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО саммитидаги нутқи жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини ўзига қаратганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳудудда давлатимиз раҳбарининг "БМТ кўмағида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича "6+2" гуруҳи доирасида олиб борилган музоқара жараёнини НАТО иштирокида янги "6+3" шаклида қайта тиклаш" борасидаги ташаббус мазкур саммит ишида айтилган жиддий тақлифлардан бири бўлган.

Ўзбекистон томонидан интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантириш, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада халқимиз асрлар давомида шаклланган "қўшнинг тинч-сен тинч" деган ҳаётий нақлга доимо амал қилиб келади. Бу борада Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатлари иқтисоди қишлоқ ҳўжалигига етакчи ўрин тутиши тўғрисидаги трансчегаравий дарёлар сувида фойдаланиш асосий масалалардан бўлиб келган. Ҳудуддан неча минг йиллардан буён оқиб ўтаётган икки йирик дарё — Амударё ва Сирдарё миллионлаш одамларга оби-ҳаёт вазифасини бажариб келмоқда. Марказий Осиё давлатларининг тинч-тотув яшаш ва барқарор ривожланишида мамлакатлараро сув манбаларини тақсимлаш, трансчегара дарёлар ресурслари ва сув оқимларидан фойдаланишда ҳавзанинг қўйи қисмида жойлашган қўшиларига зиён етказмаслиги, бу борада халқаро расмий меъёрлар ва қондаларга амал қилиш, ўзаро оғохлантириш ва маълумотлар алмашиш ҳамда маслаҳатлаш шарт. Мазкур масала бугунги кунда минтақада яшайётган 50 миллиондан ортиқ кишининг манфаатларига дахлдордир. Шу боис бу дарёлар оқимларидан фойдаланишга доир барча қарорларни қабул қилишда, жумладан гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда ушбу манфаатлар албатта

инобатга олиниши даркор. БМТнинг 1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўллари ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1997 йил 21 майда қабул қилинган Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция "Трансчегара сувлардан оқилона ва адолатли фойдаланиш, бу борада трансчегаравий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишда уларнинг трансчегара хусусиятини алоҳида ҳисобга олиш зарурлиги"ни кўриб чиқини талаб қилади.

Ўзбекистон ташқи сийёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда БМТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга, Европа қитъасидаги Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдордир. Юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва иқтисодий ислохотлар жараёнида ушбу ташкилотларнинг роли ва ўрни бениҳоят катта. Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар — АҚШ, Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Германия, Франция, Европа Иттифонининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради.

МИЛЛИЙ БИРДАМЛИК


Ўзбекистондаги «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» таъйинлига асосланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар барча соҳаларда демократияни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Кўппартиявийлик тизими асосида икки палатали профессионал парламент фаолият кўрсатаётган қонун ижодкорлигининг самарали бўлишига хизмат қилмоқда. Қонунчилик миллий манфаатлар ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳисобга олган ҳолда мунтазам тақомиллаш бормоқда. Усиб келаётган авлод тарбиясида, жамиятда хотин-қизларнинг макенини оширишда, кўпгина ижтимоий вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини кенгайтиришда нодавлат ташкилотларнинг роли ҳам ортмоқда.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Йўлларда тирбандлик

Европа йўлларида автомобиллар тирбандлиги кузатишмоқда.

Ёз ойларида европалар оммавий равишда ҳордиқ чиқариш учун тоғ ён бағирларига чиқишади. Миллионлаб аҳолининг дам олишга бориб келиши йўлларда автомобильлар тирбандлигига сабаб бўлмоқда. Айрим кўчалар кенг ва раво бўлишига қарамай, турнақатор автомобиллар узунлиги бир неча 10 километрни ташкил этган. Франция билан чегарадош ҳудудларда кузатишган ана шундай ноқулай вазият тўғрисида қарийб 200 миң тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари яроқсиз ҳолатда келиб қолган. Иссиқ об-ҳаво йўловчиларнинг соғлиғига ҳам жиддий хавф солаётди.



Террорчилик оқибати

Афғонистон гарибда террорчилик ҳаракати амалга оширилган.

ИТАР-ТАСС тарқатган маълумотларга кўра, оқибатда 15 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлган, жароҳатланганлар сони 50 нафарни ташкил этган. Маҳаллий полициячиларнинг сўзларига қараганда, террорчилар аҳоли гавжум жойларнинг бирида машинага ўрнашган бомбани ҳаракатга келтиришган. Бу эса қурбонлар сонининг ортишига сабаб бўлган. Шу йилнинг 20 август кунин Афғонистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Кузатувчиларнинг фикрича, халқаро ҳамжамият мамлакатда хавфсизлик чораларини кучайтирмаса, вазият янада оғирлашиши мумкин.




Юклар қерда?

SITA халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, 2007 йилда дунё бўйича авиайўловчиларнинг 42,4 миллионга маҳаллий юклари йўқолган, 2008 йилда эса бу кўрсаткич 32,8 миллионни ташкил этган — пайсиши 20 фош. Шунга қарамай, 3 миң нафар йўловчининг юки топилмаган.

Бу борада энг юқори кўрсаткич Европа минтақасига тегишли. Транспорт бўйича Европа Иттифқи комиссияси маълумотларига кўра, Европада ҳар кунига авиайўловчиларнинг 10 миңдан зиёд юклари йўқолади. 2008 йилнинг январидан октябрга ойга қадар 4,6 миллионга яқин маҳаллий юклар кечкиши билан етиб келган. 2008-2009 йилнинг қиш ойларида ҳар миң нафар йўловчидан 13 нафарнинг юки ном-нишонсиз кетган. Юкларнинг йўқолиши нафақат йўловчиларга балки, авиакомпаниянинг ўзига ҳам жиддий зарар келтиради. ЕИДА фуқаролар 1100 евро компенсация пулини олиш машаққатли юридик йўлларни босиб ўтишлари керак.

Интернет хабарлари асосида Адиба РАҲМАТУЛЛАЕВА тайёрлади



РАНГИН ДУНЁ

Сайёрамиз ҳақидаги билимлар кенгай борган сари турли халқлар, уларнинг келиб чиқиши, инсоният ақл-заковати маҳсуллари, тарихий ва географик жараёнлар ҳақида ҳам янги, ақл бовар қилмайдиган сир-асрорлар кўпайиб бормоқда. Албатта, бир мақола доирасида инсоният цивилизациясининг барча сир-синаотлари ҳақида тўхталашнинг имкони йўқ. Шу боис ҳанузгача жавобсиз қолаётган саволлар ва олимларни ўйлантираётган айрим жумбоқлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Қадимда скафандр бўлганми?

Француз олими Анри Лотом Сахрон Кабирдаги Тассилин-Ад-жер форида деворга чизилган, бебаҳо суратларни топган. Лотомнинг айтишича, ушбу суратлар тахминан 6 миң йиллик тарихга эга бўлиб, унда фаввос ёки космонавтлар скафандрини кийган одамларнинг сурати тасвирланган экан. Ўйлаб кўринган, 6 миң йил аввал ҳам ҳозирги замон "бюйм"лари амал қилган бўлса? Инсоннинг ақли бовар қилмайди. Модомики шундай экан, бундай юксак даражадаги цивилизация қачон ва нима сабабдан йўқ бўлиб кетган? Шу билан бир қаторда бу ажойиб расмларни ким, қачон чизган, деган савол ҳам туғилиши табиий.

Океан тубидаги лабиринт ёки мавлар давридаги говвослар

Юкатан ярим ороли бутун дунё археологларини ўзига ҳудди магнит каби тортоққода, десак хато бўлмайди. Чунки, ярим орол чангалзорларида қадимги мавларнинг пирамида, черковлари

ханузгача сақланиб қолган. Қарангки, нафақат ер устида шунингдек, сув остида ҳам мавлар цивилизацияси қолдиқлари сақланиб қолган экан. Археологлар Юкатан ярим ороли қирғоқидан 100 метр нарида сув ости горини аниқлашган. Уларнинг айтишича, ушбу сув ости лабиринтга кириш йўли йилдан-йилга торайиб бораётган эмиш. Ҳозирча бу йўлак чамаси 1 метрни ташкил этади. Яқин орада у ерга умуман кириб бўлмай қоларкан. Тарихдан маълумки, Мексика бўғози тахминан 65 млн. йил аввал метеорит келиб урилиши натижасида сайёранинг иклими кескин ўзгарган ва натижада мамонтлар, динозаврлар ҳумронлик қилган давр адоғига етган. Океан тубидан вулконт оғилиши оқибатида эса сув остида гаройиб лабиринтлар ҳосил бўлган. Ана шундай лабиринт Юкатан ярим оролида ҳам мавжуд. Ушбу сувоти "архив"ида музлик даврини эслатувчи далилий-ашёллар — аллақачон йўқ бўлиб кетган мамонтлар, баҳайбат отнинг сўяк қолдиқлари сақланиб қолган. Шунингдек, у ердан одам


Дунёнинг сир-асрорлари

ёки жавобсиз қолаётган жумбоқлар

суяги қолдиқлари ҳам топилган. Бу борада мавларнинг ўзига хос афсонаси мавжуд. Қадимда мая халқи ўз юрларини бутун оламнинг маркази, сув остидаги гор орқали эса ўзга оламга ўтиш мумкин, деб ўйлашган. Шунингдек, горда "Чак" номи монокалдрок ва ёмғир худоси яшайди, деб уларга сийинишган. Улар сув остидаги горга қурбонлик қилинган одамларнинг жасадларини олиб тушишган. Олимларнинг фикрича, мавлар куллари олдин юрагини сўғуриб, қонини сувга оқизишган, жасадни эса сув тубидаги горга олиб киришган. Қизик, уша даврда сув тубига махсус қурилма ёки фаввос кийимисиз қандай тушишган?

— Фордаги топилмалардан мавлар цивилизацияси ҳақида янги маълумотларга эга бўлди. Бирок, бошқа бир жумбоққа ҳам дуч келганимиз аниқ. Гап шундаки, хумдаги бойлик ва одамлар жасади ўша даврда сув тубига қандай олиб тушилгани номанъум,- дейди Тарих ва археология халқаро институтининг (ИНАН) мавлар маданияти эксперти Кармен Рохас.

Олимларнинг фикрича, жасадларини сувоти оқими олиб келган бўлиши мумкин. Агар олимларнинг ушбу ҳулосаси исботланмаса, мавлар цивилизацияси даврида говвослар бўлган, деган тўхтамга келинади. Бун-



дай ҳолатда, биринчи бўлиб мавлар сувотида шунинг қурилмасини яратишдан бўлиб чиқади. Олимлар ҳеч нарсани назардан четда қолдирмай, далилларни синчковлик билан текширишмоқда. Ўйлашмики, яқин кўнларда мутахассислар аниқ бир ҳулосага келишади.

Гаройиб гор

Австралия ҳам гаройиб жумбоқлари билан олимларни ўзига жалб қилмоқда. 1857 йили англиялик географ Г.Грей бошчилигидаги экспедиция гуруҳи гаройиб горга дуч келди. Улар горда антиқа кийимларда тасвирланган одамлар расмларини

топишган. Бирок, ўша пайтда Греяннинг кашфиёти билан ҳеч ким қизиқмаган. 1931 йилга келиб сайёх М.Терри Марказий Австралиядаги гордан яна шунга ўхшаш расмларни топди. Бу сафарги расмларнинг ҳажми ниҳоятда катта бўлиб, 10 метр баландликдаги қояга чизилган эди. Ҳўш, ўша пайтда 3 қаватли бино баландлигига тенг қояга бу сирли расмларни қандай қилиб, қачон ва нима учун чизилган? Ушбу саволлар ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Мўйиланган жасад 1964 йили Йордан дарёси яқинидан эризмиздан аввалги

тахминан X асрларга тааллуқли ёш аёлнинг мўйиланган жасади топилган. Мутахассислар уни текшириб, топилма жуда яхши сақланганини маълум қилишган. Маълум бўлишича, мўйиланган ушбу эквалит мойи ишлатилган. Бирок, тарихдан биламизки, бу Австралия ўсимлиги уругини Европада илк бор 1870 йили немис ботаниги Ф.Меллер олиб келган. Шу ўринда яна савол туғилади: Арабистон ярим оролига эквалит мойи Австралия кашф этилишидан 2700 йил аввал қандай қилиб келиб қолган?

Австралияни ким кашф қилган?

1965 йили австралиялик географ Дуг Ситон Йорк ярим ороли қояларида тропик мамлакатларда усадиган қамшисимон (папирус) ўсимлигини ўйиб чизилган расмини топган. Папируснинг бу ҳудудда қандай пайдо бўлгани ҳеч кимга маълум эмас. Яна бу оролдан Птоломей IV давридаги бронза танга ҳам топилган. Олимлар ушбу далилларга асосланиб, бизга маълум бўлган Австралиянинг кашф этилган вақтидан бир неча миң йиллар аввал мисрлик денгизчилар унинг қирғоқларига боришган, деган ҳулосага келишмоқда.

3500 йил аввал чизилган расм

Яна бир қизиқарли жумбоқ. Жанубий Африканинг Намбия чўлида улкан Брандберг қояси бор. Мана неча йилдирки, ундаги сирлар ечимисиз қолмоқда. Брандберг немис тилидан олинган бўлиб, "оловли қоя" маъносини билдиради. Брандберг — вулконт эмас, у қил-қизил гранит бўлиб, кўш нурлари таъсирида ҳудди алангага ўхшаб қўриган-

лиги боис шундай ном беришган. Бу қояни 1917 йили немис офицери Йохан кашф этган. У биринчи бўлиб қоянинг учига кўтарилган ва унинг узунлиги 30 км., эни 23 км. эканлигини аниқлаган. Тоғ асосан гранит ва қумтошдан таркиб топган. Шунингдек, немис сайёхи Рейхард Маас тоғда гаройиб горларни ҳам топди. Фор деворларига чизилган расмларда қора танли эркакларнинг сардори бўлган оқ танли аёл тасвирланган. Энг қизиғи, аёл ўша жойнинг туб халқига мос бўлмаган либос, оёқ кийим, қимматбаҳо тақинчоқларда, бир қўлида гул, иккинчисида найза ушлаб турганини чизилган. Олимлар расмларни ўрганиб, у ҳудди қадимги Урта ер денгизи халқларига ўхшаб кетишини аниқлашган. Тарихчиларнинг айтишича, расм тахминан 3500 йил аввал чизилган бўлиши мумкин. Ҳўш, ўша замонда Африкада Урта ер денгизи аёлларини ким қўрган? Ушбу расмга қараб бу ўлик қояда қадимда ўзгача ҳаёт бўлган дейиш мумкин. Чунки, унда кўм-кўк ўт-ўланлар, тўлиб-тошиб оқётган дарёлар, ҳосилдор ерлар тасвирланган. Бирок, бу ерда ким яшагани, қайси халқ қаердан келиб, қаерга кетганини номанъум. Намбияда дунёда энг йирик олмос қони мавжуд бўлиб, у ниҳоятда каттик қўриқланади. Шунинг учун, у ерда илмий изланишлар ўтказиш таъқиқланган.

Афсуски, юқоридаги жумбоқларга ҳали жўяли жавоб топилмаган. Шундай бўлса-да, олимлар ортага кечинмай, текширув ва тадқиқотларини давом эттиришмоқда. Бундай жумбоқларга, яқин орада албатта жавоб топилди, деган умиддамыз.

НИГОХ

ФАН ВА ЖАМИЯТ

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ер юзидаги ақсарият мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Албатта, бу жараён муайян мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятига ҳам маълум даражада ўз таъсирини ўтказиши аниқ. Бу эса малакали мутахассисларни ва етук илмий кадрларни тайёрлашга тўсқинлик қилади.

Рўзумбой ЭШЧАНОВ,
Урганч Давлат университети ректори,
биология фанлари доктори,
ЎЗМТДП аъзоси

Интеллектуал салоҳият ва изланишлар

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ишончли омил саналади



Мамлакатимизда малакали мутахассислар ҳамда кадрларни тайёрлаш борасида амалга оширилган ва истиқболдаги ишлар атрофича таҳлил қилинса, илмий салоҳият базасининг бақувват эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари мамлакатимизда ҳар қандай хавф-хатардан асрашнинг кучли базаси яратилганлигидан ва натижада инқирозга қарши курашнинг илмий асоси мустаҳкамлигидан далолат беради.

Маълумки, ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасининг жаҳонда тугган ўрни ва аҳамияти кўп жиҳатдан унинг тараққий этиш даражаси, дунё илм-фаннинг ривожига қўшган ҳиссаси, ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ишончли илмий асос яратганлиги билан белгиланади. Дарҳақиқат, бугунги кунда олимларимиз олдида барча соҳалар бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бу муаммоларни замонавий илм-фан ютуқлари ва технологияларни жорий этиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш, илм-фаннинг таълим амалиёти билан мустаҳкам алоқасини таъминлаш орқали ечимини топиш вазифаси қўйилган.

Мустақиллик йиллари даврида Урганч Давлат университетида ҳам талай ишлар амалга оширилди, жумладан, янги йўналишлар, кафедралар очилди. Университетнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, илмий-педагогик кадр-

лар билан бойитилди. Ҳозирги кунда мазкур даргоҳда жами 10 та факультет ва 35 та кафедра бўлиб, уларда бакалавриятнинг 33 йўналиши, магистратуранинг 12 мутахассислиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрланмоқ-

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари мамлакатимизда ҳар қандай хавф-хатардан асрашнинг кучли базаси яратилганлигидан ва натижада инқирозга қарши курашнинг илмий асоси мустаҳкамлигидан далолат беради.

да. Профессор-ўқитувчилар 543 нафарни ташкил қилиб улардан 25 нафари фан доктори, профессор, 187 нафари фан номзоди, доцент, 331 нафар катта ўқитувчилар ва ассистент ўқитувчилардан иборат. Университетда 1 та йўналиш бўйича докторантура ва 9 та йўналиш бўйича аспирантура фаолият кўрсатиб, унда 3 нафар докторант ва 34 нафар аспирант таҳсил олмақда.

Ўтган йилда жамоамиз олимлари томонидан давлат дастури доирасидаги 5 та лойиҳа бўйича 24,392 млн. сўм ҳажмдаги ҳамда Маъмур Академияси ва бошқа олий таълим муассасалари олимлари билан ҳамкорликда 15 та лойиҳа бўйича 172,116 млн. сўм ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишлари бажарилди.

Шуниси эътиборлики, мамлакатимизда илм аҳлига ва илм даргоҳларига бўлган эътиборнинг маҳсули сифатида халқаро ҳамкорликда ҳам салмоқли иш-

лар олиб борилиб, бу йўналишда университетда умумий ҳажми 1 млрд. 180 млн. 265 минг сўм бўлган 4 та лойиҳада илмий-тадқиқот ва таълим йўналишлари бўйича ишлар олиб борилди. Шунингдек, "Исследования-наука-производства" мавзули умумий бюджети 859250 евро бўлган лойиҳа олимларимиз томонидан ютиб олинди.

Мутахассисларимиз куйи Амударё регионидан кенг тарқалган ўсимлик зараркундаларига қарши биологик кураш усулларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик эканларининг истиқболли навларини яратиш, экологик муаммоларни географик оқибатларини ўрганиш ва саноат чиқиндиларини қайта тиклаш ҳамда халқ хўжалигига татбиқ қилиш, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида янги технологияларни яратиш сингари ва бошқа кўплаб мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб

ЭКСПО" марказда ўтказилган "Инновацион ғоя ва ишланмалар" республика ярмаркасида университетдан 5 дан ортиқ лойиҳа катнашиб, 26 та корхона билан 1 млрд. 151 млн. сўмдан ортиқ ҳажмда даслабки келишувларга эришилди.

Бугунги кунгача Ўзбекистонда антикоррозион материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Бу хомашё базасининг йўқлиги ёки уларни ишлаб чиқариш учун хорijdан келтирувчи қимматбаҳо материаллар талаб этиши билан боғлиқ. Мазкур ишда маҳаллий хомашё ва кўп минг тонналанган саноат чиқиндилари асосида қатор янги таркиблар занг модификаторлари технологиясини яратишнинг кўзда тутилади. Ушбу антикоррозион композициялар, занг модификаторларини яратишда деярли 100 фоиз Ўзбекистон саноати чиқиндилари қўлланилади. "Чиқиндилар

Ҳозирги кунда амалий татқиқотлар натижалари корхонага татбиқ қилинди. Шунингдек, доцент Ж.Рўзимов раҳбарлигида Хоразм шакар заводи чиқиндиси дефекат ва бошқа қишлоқ хўжалиги, чорвачилик чиқиндилари комплекси қайта тиклаш асосида экологик хавфсиз биоўғит (биогурус) олишнинг биотехнологияси ўзлаштирилди.

Университетда кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятини яхшилаш, республикамиз ва вилоятимиздаги етакчи ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Илмий тадқиқот ишлари натижалари ўқув жараёнига ва ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Ўтган 4 йилда университетда Давлат бюджети томонидан молиялаштирилган 26 та ҳамда хўжалик шартномаси асосида 110 та илмий лойиҳа бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Уларнинг умумий ҳажми 333,3 млн. сўмни ташкил этади. 2008 йилда эса Давлат дастури доирасида 172,116 млн. сўм

Ўтган 4 йилда университетда Давлат бюджети томонидан молиялаштирилган 26 та ҳамда хўжалик шартномаси асосида 110 та илмий лойиҳа бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Уларнинг умумий ҳажми 333,3 млн. сўмни ташкил этади. 2008 йилда эса Давлат дастури доирасида 172,116 млн. сўм ҳажмдаги хўжалик шартномалари орқали эса 71,188 млн. сўм ҳажмдаги илмий тадқиқот ишлари бажарилди.

тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлиги муносабати билан чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилишга қаратилган мазкур илмий-техник ишнинг долзарблигини янада оширди.

Мазкур илмий ишни амалга ошириш ёғ-мой саноати тармоғини тамомла янги ривожланиш босқичига олиб чиқишга имконият яратди, чиқиндисиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, атроф-муҳит ифлосланишдан сақланади, илгариги чиқиндилар эса энг қимматли маҳсулотларга айланади. Бу борада олий таълимнинг изланувчан, ёш олимлари кўплаб тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Хусусан, Кимё-технология факультети "Технология асослари" кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан биуртмачи таклифига биноан "Корхонанинг қислотали оқава сувларини нейтраллаш учун нисбатан арзон реагентни қўллашни технология режими яратиш" мавзуида Урганч ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти қошидаги УзХим-Вект Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси билан шартнома тузилиб, бу борада талай ишлар бажарилди.

Амалий тадқиқотлар натижа-сида дефекат чиқиндисини корхона оқава сувларини нейтраллаш жараёнида ишлатишни технология режими яратиш ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда бу технология регламент корхона шароитида илмий-тадқиқот ишларида татбиқ қилинмоқда.

Кимё-технология факультети "Технология асослари" кафедраси профессор-ўқитувчилар томонидан, шунингдек, биуртмачи таклифига биноан Хоразм шакар ОАЖ билан "Сатурацион газ таркибидagi зарарли бирикмаларни ушлаб қолиш ва технология қурилмалар юзларидa ҳосил бўлган ётқизикларни кимёвий усулда тозалаш" мавзуида 6 млн. сўмлик хўжалик шартномаси ишлари бажарилди. Шартномага асосан сатурацион газ таркибидaги зарарли бирикмаларни ушлаб қолишнинг технология режими яратилиб, технология қурилмалар юзларини тозалашнинг технология регламенти синовдан ўтди.

ҳажмда хўжалик шартномалари орқали эса 71,188 млн. сўм ҳажмдаги илмий тадқиқот ишлари бажарилди.

Университетимизда фаолият кўрсатаётган факультет, кафедра ва ихтисослик бўйича фан номзодлари ва фан докторлари сафини ёшарттириш, аспирантура ва докторантура ни самарадорлигини ошириш ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашни жаддаллаштиришга қаратилган 2010 йилгача мақсадли дастур ишлаб чиқилган. Ушбу дастур доирасида университет профессор-ўқитувчиларидан 2008 йилда 3 та докторлик иши ва 27 та номзодлик ишини ҳимоя қилиш режалаштирилган эди. Шулардан 2008 йилда 3 та докторлик ва 20 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Дастурга мувофиқ 2010 йилгача яна 8 та докторлик ва 60 та номзодлик ишини ҳимоя қилиш режалаштирилган.

Бугунги кунда жамоамиз олдида университетимизни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, лабораториялар ташкил этиш, фанинг долзарб йўналишларида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш, таълим ва фандаги изланишларимизни жаҳон илм-фани билан интеграциялаш, олимлар салоҳиятини ошириш, иқтидорли талабаларни етиштириш вазифаларни турибди. Бу ишларни амалга ошириш учун барча имконият ва шароитлар етарли бўлиб, биздан эса фидойилик талаб қилади.

Битта олий ўқув юрти тимсолида келтирилган ушбу маълумотлар мамлакатимизда халқ хўжалигини, қишлоқ хўжалигини, саноатни ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришнинг илмий салоҳиятининг мустаҳкам пойдевори яратилганлигидан далолат беради. Зеро, Инқирозга қарши чоралар Дастурида кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодий таъсирини камайтириш имконини бера оладиган пухта илмий база мамлакатимизда шаклланиб ва мустаҳкамлашиб келаётгани аҳамиятга моликдир.

ЎГИТ

Молу дунё товуснинг парлаидек жоннинг душмандир.

* * *

Ҳар сўзни ўша сўз аҳлидан ўзгасига сўйласанг, уни сафсата дегайлар.

Жалолiddин РўМИИ

БИЛАСИЗМИ?

Афсоналарга кўра, Руминия пойтахти Бухарест шаҳрига Букур исми подачи асос солган экан. Аммо ҳақиқатга яқинроқ маълумотларга кўра, подшоҳ Мирча турклар устидан ғалаба қозонгани муносабати билан шу шаҳарга асос солган. "Bucurie" - руминчадан таржима қилинганда, "шодлик" маъносини аналтади. Шунинг учун ҳам Бухарестни "Шодликлар шаҳри" деб аташади. Баъзи тахминларга кўра, шаҳар номи қадимги Дакия тилидаги "bukur" сўзидан олинган бўлиб, "ғўзал" деган маънони беради.

Дунёдаги энг қиммат китоб Леонардо да Винчининг китоби ҳисобланади. Бу ойнали ҳарфлар ёрдамида қимматбаҳо қоғозга битилган "Лестер кодекси" ва "Ердаги сув ва осмон ишлари" деб номланган асарлар бўлиб, уни Билл Гейтс 24 миллион долларга сотиб олган.

ТУРФА ОЛАМ

Ажойиб қурилма

Кўпчилик одамлар ўсимликларни парваришда яхши кўришади. Айниқса, табиатнинг бир бўлагини ўз хонадонида кўриш кишига ҳам хуш, ҳам роҳат бахш этади.

Бирок, ўсимликларни парвариш қилишни ҳамма ҳам ундай олмайдди. Шунинг учун олимлар янги қурилма — EasyBloomни иختиро қилишди. Мутахассисларнинг айтишича, қурилмани бир суткага ўсимликнинг туپроғига кўмиб қўйилса, ўсимликдаги касалланиш сабаби ва туپроқдаги модда таркиби ҳақида маълумот тўплайди. Кейин бу қурилма USB орқали компьютерга уланганда, ўсимликка ташхис қўйиб, унга зарур бўлган минераллар бўйича маслаҳат беради. Ҳатто, ўсимликлар учун ер танлашда, қандай ёрда қайси ўсимлик уншида ҳам ўз маслаҳатини аямайди. Олимлар ушбу қурилма ўсимлик дунёсини кенгайтиришда бир қанча янгиликлар яратишига умид қилишмоқда.



Янги электрон китоб

Кундан-кунга электрон китобдан фойдаланувчиларнинг сони ортиб бормоқда, дейди янги Sony PRS-700 номли электрон китобининг муаллифи.

Sony PRS-700 электрон китоби мураккаб технология ёрдамида яратилган бўлиб, экранга бармоқни текказиш билан бошқа саҳифага ўтиш, уни белгилаш ҳамда катталаштириш ҳаракатларини бемалол бажариш мумкин. Шунингдек, янги китоб экранда клавиатура ҳам жойлаштирилган бўлиб, у ёрдамида текстни ўзгартириш, қўшимча қўшиш мумкин. Дарвоқе, Sony PRS-700 электрон китоби тунда ўқишга мўлжалланган бўлиб, унга махсус чироқчалар ўрнатилган. Мутахассислар, энди фақат фарзандларнинг кеч тунда кўрпа ичида китоб ўқишидан эҳтиёт бўлишни маслаҳат беришмоқда.



Интернет-гаджет

куёнча функцияси билан

Интернет-куёнча — Nabaztag кўринишидаги покемонга ўхшаш кетсада, функцияси бўйича мўъжизалар мамлакатини мультфильмидаги малика кўёнга яқинроқ экан.

Nabaztagни Wi-Fi орқали интернетга уланганда, у почтага келган хатлардан хабардор этиб, оби-ҳаво, валюта курси ва биржа хабарларини оғзаки ўқиб беради. Шу жараёнда яна у рангдор кўчалар билан кўзини "қоқиб", кулоқларини ҳам қимирлата оларкан.

Номасълум ҳайвон

Комор оролида олимлар кўршапалакнинг янги турини топишган.

Miniopterus aelleni номини олган кўршапалакнинг тури аслида 2006 йилда кашф қилинган эди. Шу пайтга қадар эса олимлар уни ўрганиб, илм-фанга ҳақиқатдан ҳам номасълум бўлганини аниқлашган. У кўринишидан миттигина кўриб, атиги 5 гр. вазнга эга. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу кўршапалакнинг янги тури ўрмонларнинг кесилиши оқибатида йўқолиш хавфи остида қолаётган экан.



Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АХМЕДОВ, Фолиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖИДДИНОВ, Мухаммад-жон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУХАМЕДОВ, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳоидин ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолiddин САФОВ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарлики ўз бўйига олмайдди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-623, Адади — 4196

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)
234-87-74, 234-87-73,
234-86-41 ФАКС: (8-371)
234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.
Көгюз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Ақбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи:
Дилноза ХАЙИТОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.00.